Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 224 (8964). • 1986 йил 26 ноябрь • чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

М. С. ГОРБАЧЕВ
Тошкентдан жўнаб кетди

Ҳиндистон Бош министри Р. Ганди ва Ҳиндистон ҳукуматининг таклифига биноан расмий дўстлик визити билан Ҳиндистонга бораётган КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 25 ноябрда Тошкентдан жўнаб кетди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Ф. Добринин, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. М. Каменцев, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. С. Черняев, СССР Қуролли кучлари Бош штабининг бошлиғи — СССР Мудофаа министрининг биринчи ўринбосари Совет Иттифоқи Маршали С. Ф. Ахромеев, СССР Ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари Ю. М. Воронцов М. С. Горбачев билан бирга жўнаб кетдилар.

Тошкент аэропортида М. С. Горбачевни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Г. Ҳ. Қодиров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзолигига кандидатлар кузатиб қолдилар.

(ЎзТАГ).

СССР—ҲИНДИСТОН: ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК ВА ҲАМКОРЛИК

ДЕҲЛИ, 25 ноябрь. (ТАСС махсус мухбирлари). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев республика Бош министри Р. Ганди ва Ҳиндистон ҳукуматининг таклифига биноан бугун расмий дўстлик визити билан Ҳиндистонга келди. Ҳиндистон раҳбарлари, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари бу визитга амалий, дўстона тус бериш учун ҳамма ишларни қилдилар. Бу ҳозир ҳамма нарсада: кўп сонли митинглар ва йиғилишларда, сиёсат ва жамоат арбобларининг баёнотларида, матбуот шарҳларида намоён бўлмоқда. Бир кун олдин бутун Ҳиндистон М. С. Горбачевнинг бир группа ҳинд журналистлари билан суҳбатини зўр эътибор бериб кўрди ва тингради. Жамоатчилик турли табақаларининг вакиллари биз билан суҳбатларда шу кунларда улар Совет Иттифоқининг ички ва ташқи сиёсати тўғрисида кўп нарсани билиб олганликларини, шу билан бирга ҳозирги даврнинг асосий проблемаларини ҳал этишга янгича ёндашиш, янгича фикрлаш амалда қандай рўёбга чиқаётганлигини ҳам билиб олганларини таъкидламоқдалар.

Бугун Ҳиндистондаги ҳамма газеталар Совет Иттифоқи ва иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларга бағишланган катта материаллар билан чиқди. Етакчи газеталардан бири — «Таймс оф Индиа» газетаси бундай деб ёзади: «Ҳиндистон — Совет муносабатлари дунёдаги барча асосий умумжаҳон проблемаларига бевосита таъсир ўтказмоқда. Ирик социалистик давлат — Совет Иттифоқининг, шунингдек қўшилмаслик ҳаракати асосчиси ва унинг етакчиларидан бири — Ҳиндистоннинг сиёсати ва ҳаракатлари бутун инсоният учун жуда катта аҳамиятга эгадир, Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасидаги алоқаларни тўла асос билан яқинда озодликка чиққан, мустамлакачилик зулмини улоқтириб ташлаган, иқтисодий ва социал қолоқликка қарши кураш эълон қилган ҳамма давлатлар учун намунадир деб ҳисоблаш мумкин».

Деҳли вақти билан соат 12. Палам аэродроми. Совет авиалайнери тантанали маросим жойи томон келади. Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон республикасининг давлат байроқлари енгил шабадада ҳилпирамоқда. Ҳинди ва рус тилларида Ҳиндистон — Совет дўстлиги шарафига табрикномалар ёзилган транспарантлар ялял ёниб турибди. Учиш майдонида қуролли кучларнинг уч тури—пиёда аскарлар, учувчилар, денгизчилар фахрий қоровули саф тортган.

Самолёт трапи олдида М. С. Горбачев ва унинг рафиқасини Ҳиндистон Бош министри Ражив Ганди рафиқаси билан бирга хурсанд бўлиб кутиб оладилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Ф. Добринин, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. М. Каменцев, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. С. Черняев, СССР Қуролли кучлари Бош штабининг бошлиғи — СССР Мудофаа министрининг биринчи ўринбосари Совет Иттифоқи Маршали С. Ф. Ахромеев, СССР Ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари Ю. М. Воронцов М. С. Горбачев билан бирга келдилар.

Учиш майдони узра бир йўла 21 марта артиллерия салютининг акс садоси янграйди.

Қадимий ҳинд одатига кўра, совет раҳбарига янги гуллар шодаси тақдим этилади. Болаларнинг қўлидаги ранго-ранг гулдасталар нурафшон ва яхши меҳмоннавозлик белгисидир. Михаил Сергеевич дипломатик секундма-секунд белгилаб қўйган протоколдан четга чиқиб, ҳинд қизалоқлари олдида тўхтайди. Улардан бири рус тилида мурожаат қилади: «Михаил Сергеевич, Сизни самимий табриклаётганлигимиздан хурсандмиз! Деҳлига келганлигингиз жуда соз бўлди».

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ташқи ишлар министри Н. Д. Тивари, ички ишлар министри Бута Сингх, одам ресурслари министри П. В. Нарасимха Рао, пўлат ва шахта министри К. Ч. Пант, ҳукуматнинг бошқа аъзолари билан саломлашади.

Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон республикасининг давлат гимнлари янграйди.

М. С. Горбачев фахрий қоровул сафини айланиб чиқади. Фахрий қоровул бошлиғи унга рапорт беради.

Р. Ганди совет раҳбарини табриклаб бундай деди:

— КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Михаил Сергеевич Горбачев!

Раиса Горбачева хоним!

Совет Иттифоқидан келган дўстлар!

Сизларни Ҳиндистон халқи номидан табриклайман. Сизлар қийинчиликлар даврида ҳам, ғалабалар даврида ҳам биз билан бирга бўлган мамлакат ва халқнинг вакилларисиз. Биз учун оғир бўлган дамларда Совет Иттифоқи синалган ва содиқ дўстлигича қолди. Биз Сизларни ҳозирги Ҳиндистонни қуришда ёрдам берган дўстларимиз сифатида табриклаймиз. Биз Сизларни, жаноб Бош секретарь, тинчлик учун курашчи сифатида табриклаймиз. Фан мўъжизалари ҳамда технологиянинг ажойиб ютуқлари инсоният ойласининг тақдирини тарихда ҳар қачон бўлганидан ҳам кўпроқ бир-бири билан боғлади. Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи 30 йил ичида иқтисодий ва социал системалари ҳар хил бўлишига қарамай, қўшни мамлакатлар ўртасида қандай самимий муносабатлар ўрнатиш мумкинлигини бутун дунёга намойиш қилиб келди. Бизнинг дўстлигимиз — ғинч-тотув яшаш ва ҳамкорликка асосланган жаҳон тартибини ўрнатиш тарихий зарурат эканининг тасдиғидир.

Совет Иттифоқида бўлганикаби Ҳиндистонда ҳам давомийликни бузмаган ҳолда қайта қуриш амалга оширилмоқда. Иккала мамлакатларимизда ҳам миллий тараққиёт принциплари ва қадриятлари чуқур илдиз отди. Шу сабабдан иккала давлат ўз сиёсатига ишонч ва эътиқод билан янги йўналиш ҳамда янги кўламлар бахш этиши мумкин. Давлат қурилиши — узлуксиз давом этадиган жараёндир. Олдинги истиқболларни бугунги куннинг реалликларига мувофиқлаштириш зарур. Янгиликларнинг жорий этилиши, ўзгариб бораётган вазиятда тасаввур этиш ва ишни тезда қайта қуриш хусусияти жўшқин ривожланаётган жамият учун қаётий заруратдир.

Шу юз йилликдаги урушнинг оғир тажрибаси тинчлик учун кураш Совет Иттифоқини чиниқтирди. Ҳиндистоннинг бардошлилик, уйғунлик ва куч ишлатмаслик мероси бизни тинчлик кашшофлари ролига олиб чиқди. Бизнинг қўшилмаслик сиёсатимизга Сиз ҳурмат билан қараяпсиз, биз сизнинг ғинчликка қатъий садоқатингизни ҳурмат қиламиз. Мустаҳкам ва кафолатли тинчликнинг энг муҳим шарти сифатида ядровий қуролсизланишга қаттиқ ишончингизга қўшиламиз. Ўттиз йил давомида биз дунёда уйғунлик бўлиши учун ва халқларимизнинг фаровонлиги учун биргаликда ишлаб келмоқдамиз. Бизнинг мамлакатимизга келганингиздан хурсандмиз, Деҳли билан мана шу қисқача учрашув сизда бизнинг мамлакатимизга тез-тез келиш ва Ҳиндистоннинг кўпгина районларини бориб кўриш истагини туғдиради, деб умид қиламиз.

Яшасин, Ҳиндистон — Совет дўстлиги!

Яшасин Ҳиндистон!

М. С. Горбачев жавоб нутқида бундай деди:

Ҳурматли Бош министр Ражив Ганди жаноблари!

Ҳурматли Ганди хоним!

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар, дўстлар!

Ҳиндистон диёридаги дастлабки сўзларим — таклиф этганлиги учун Ражив Ганди жанобларига, самимий кутиб олганлигингиз ва яхши истакларингиз учун ҳамма мангизга миннатдорчилик сўзларидан иборатдир.

Ҳиндистон билан учрашув пайтида улуғ ҳинд халқига Совет Иттифоқи халқларидан дўстона табриклар айтишни хоҳлайман.

Менинг визитим, аввало сизларнинг мамлакатингиз билан дўстлик ва ҳамкорлик қилиш принципиал йўлимиз ўзгармаслигидан далолат бермоқда. Ҳиндистон билан СССР ўртасидаги муносабатларнинг катта тарихи, унинг ўз мустаҳкам анъаналари бор. Бу муносабатлар бир-бирини ўзаро бойитиб, иккала халқ манфаатларига хизмат қилмоқда.

Тобора ривожланиб бораётган бу муносабатлар ҳамма босқичларда халқаро барқарорлик ва тинчлик омили бўлиб қолди. Ўтмишда шундай эди. Бугунги кунда ҳам шундай.

Совет — Ҳиндистон ҳамкорлиги замиридаги самарали куч-ғайратлар у ишончга, тенг ҳуқуқлиликка, ҳурмат-эҳтиромга, ҳар бир томоннинг хусусиятларига диққат-эътибор билан қараш ва бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш замирига қурилганлигидан келиб чиқмоқда.

Шунингдек бу муносабатлар бир-бирига қарши қўйилмаганлиги ва бошқа мамлакатларнинг реал, қонуний манфаатларига қарши қаратилмаганлиги замирига қурилганки, булар ҳам жуда муҳимдир.

Совет Иттифоқи ҳам, Ҳиндистон ҳам ўз ички тараққиётининг тарихий аҳамиятга молик катта вазифаларини ҳал этаётган ҳозирги босқичда Совет — Ҳиндистон алоқалари ва мулоқотлари ўзига янада катта жўшқинлик бағишлашга муҳтождир.

Аммо бу ҳозирги мураккаб жаҳон сиёсати учун ҳам, хатарли халқаро вазият учун ҳам зарурдир.

Ҳозир инсоният олдида турган проблемалар улкан, инсониятга солинаётган хавф-хатар катта: ядро хавфи ва омон қолиш проблемаси, ривожланаётган мамлакатларнинг қийинчиликлари ва қулфатлари, Ғарб билан Шарқ, Шимол билан Жануб ўртасидаги, яъни ҳарқил типдаги социал-сиёсий системалар билан шу системаларнинг тараққиёт даражалари ўртасидаги зиддиятлар, регионал ва миллатлараро танғлик ҳамда можаролар, озиқ-овқат, энергетика, атроф муҳит проблемалари шулар жумласидандир.

Ҳозирги дунё шу мушкулотларининг ҳаммаси суҳбатларимиз ва музокаларимизда бирон даражада тилга олинади, деб ўйлайман.

Ядро урушининг олдини олиш ҳамда бутун халқаро вазиятни соғломлаштириш учун кураш жараёнида Совет — Ҳиндистон муносабатлари масалаларининг ҳамма жиҳатлари ҳамда Осиё, Ҳинд океани, Тинч океанига оид ғоят муҳим проблемалар диққат марказида бўлади, албатта.

Ражив Ганди жанобларини Совет Иттифоқида қабул қилганмиз.

Менинг визитим шунга жавоб визитидир. Бир-биримиз билан тез-тез кўришиб турмасакда, аммо ўртамизда муттасил бўлиб турадиган мулоқотни бағоят қадрлайман.

Бу мулоқот халқаро фаолиятимиз ва икки томонлама муносабатларимизнинг энг муҳим масалаларидан бир-биримизни ҳамиша хабардор қилиб туришимизга имкон бермоқда.

Мулоқотнинг бу ерда, Деҳлида давом эттирилиши Совет — Ҳиндистон хилма-хил алоқаларига янада кўпроқ жўшқинлик бахш этиб, иккала буюк давлатимизнинг жаҳон сиёсати омили, тинчлик ва ялпи хавфсизлик омили сифатидаги ҳамкорлиги ролини янада оширишига шубҳа қилмайман.

Мен билан бирга келган ҳамма кишилар номидан Сизга яна бир карра самимий миннатдорчилик билдираман.

Тантанали кутиб олганлигингиз учун, қадимги анъанага оддий риоя этишдан ҳам анча зиёда бўлган гуллар учун кўп раҳмат.

* * *

Сўнгра Ҳиндистон ҳукуматининг аъзолари, парламент депутатлари совет раҳбарига таништирилади. Ў сиёсий партияларнинг раҳбарлари, таниқли жамоат арбоблари билан, чет мамлакатларнинг Ҳиндистондаги дипломатик ваколатхоналари бошлиқлари билан сўрашади.

Кутиб олувчилар орасида СССРнинг Ҳиндистондаги элчиси В. Н. Риков ва Ҳиндистоннинг СССРдаги элчиси Т. Н. Кауль, Ҳиндистондаги совет элчихонаси, савдо ваколатхонаси, бошқа совет муассасаларининг ходимлари бор эди.

Аэропортдаги расмий учрашув тугаганидан кейин М. С. Горбачев ва Р. Ганди автомашинага ўтириб мотоциклчилар фахрий эскорти ҳамроҳлигида президент саройи Раштрапати Бхаван — Совет Иттифоқидан борган меҳмоннинг визити чоғидаги қароргоҳи сари йўл оладилар. Давлат бошлиғининг ғаъл тошдан миллий услубда қурилган саройи пойтахтнинг қоқ марказида жойлашган бўлиб, шаҳарнинг бош магистрали Раж Патх тожидек кўзга ташланади. 26 январь Ҳиндистон миллий байрами кунида ана шу ҳукумат проспектидан ҳарбий парадлар ва байрам намойишлари ўтади.

Аэропортдан шаҳарга автомашиналар ўтиб борадиган йўлдаги кўчалар ва майдонларга Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон республикасининг давлат байроқлари, кўпдан-кўп табрик транспарантлари ўрнатилган.

Пойтахтнинг юз минглаб аҳолиси М. С. Горбачевни самимий табриклади. Биз шуларнинг қайси бири билан суҳбатлашмайлик, уларнинг ҳаммаси Бош министр Р. Ганди таклифига биноан КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг визити иккала мамлакат анъанавий дўстона муносабатларни янада чуқурлаштириш иштиёқида эканлигидан яққол далолат беради, икки давлат ва уларнинг раҳбарлари учун муштарак бўлган ҳамда халқаро тинчлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган вазифаларни амалга ошириш йўлида қўйилган яна бир катта қадамдир, деб айтди.

Оддий кишилар бу визитни тарихий воқеа, деб атадилар. Биз икки пойтахтнинг эсдалик чорраҳалари — Москвадаги Индира Ганди майдони билан Деҳлидаги марказий магистраллардан бири Раж Патхда улардан интервью олдик. Бир-бирларидан кўп минг километр масофа билан ажралиб турган москвалик ўқитувчи билан деҳлилик хизматчи — турли эътиқоддаги кишилар иккала мамлакат халқларининг бир-бирига ҳайрихоҳлик хис-туйғулари тўғрисида баралла ҳаяжон билан гапирдилар.

«Яқинда мен учинчи синф ўқувчиларимга Ҳиндистон тўғрисида гапириб бердим, — деди москвалик ўқитувчи Т. Г. Кирдина, — ишчидеҳқон республикаси эълон қилган ўз тақдирини ўзи белгилаш ва мазлум халқларни озод этиш принципларини ўз озодлиги учун қаҳрамонона курашаётган ҳиндистонликлар маъқуллаб қутиб олганликлари тўғрисида Ленин айтган сўзларни уларга ўқиб бердим. Сўнгра улардан бу мамлакат ҳақида билганларини айтиб беришларини сўрадим... 8—9 ёшли ўғил ва қиз болалар Ҳиндистон, унинг тарихи, бугунги куни тўғрисида шу қадар кўп нарсалар билишларини сира ҳам кутмагандим. Албатта, дўст мамлакатга самимий ҳурмат билан қарайдиган халқнинг шундай рўй-рост қизиқишни уйғота олади».

45 яшар хизматчи Бху Пиндер Сингх билан суҳбат эса у ишлайдиган бензоколонка ёнида, М. С. Горбачев Деҳлига етиб келганидан кейин сал фурсат ўтгач бўлди.

«Совет — Ҳиндистон ҳамкорлигининг чуқур илдизлари ва яхши анъаналари бор, — деди у. — Бизнинг дўстона муносабатларимизни мустаҳкамлашдек олижаноб иш учун ёнилғи запаслари ишчилар тили билан айтганда ҳеч тугамайди. Бош секретарнинг визити ҳамкорлигимиз ҳар бир ҳиндистонликнинг, ҳар бир совет кишисининг бахт-саодати йўлида кучайиб бораверишининг гаровидир».

В. БАЙДАШИН,
А. БЕЛИКОВ,
Г. ШИШКИН.

СУРАТДА: Деҳлидаги аэродромда кутиб олиш пайти.

(ТАСС — ЎзТАГ телефотоси).

Давлат қабули: сифат кафолати

Ҳар соат, ҳар минут ғанимат

Давлат қабули жорий этилишига 36 кун қолди

Партиянинг ишлаб чиқариш маданиятини оширишга қаратилган катта тадбири—маҳсулотнинг давлат қабули гез, аниқ ва сира кечиктирмай ҳаётга жорий этилиши лозим. Яқинда КПСС Марказий Комитетида бўлиб ўтган ва М. С. Горбачев нутқ сўзларан кенгашда масала шу тарзда қўйилди. 25 ноябрь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгашда республика саноатининг давлат қабули шароитида ишлашга қандай тайёргарлик кўраётганлиги кўриб чиқилди.

Кенгашда область, шаҳар, район партия комитетларининг, бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари, марказий республика органлари, министрликлар, бирлашмалар ва корхоналарнинг раҳбарлари, мутахассислар ва олимлар, давлат қабули хизмати ва СССР Стандартлар давлат комитети территориал органлари ходимлари, журналистлар иштирок этдилар.

Кенгашни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев кириш нутқи билан очди.

СССР Стандартлар давлат комитети раисининг ўринбосари И. И. Исаев ахборот берди.

Кенгашда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин, «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош инженери И. П. Великий, Чирчиқ «Трансформатор» бирлашмасининг бош директори Р. К. Саримсоқов, Ўзбекистон ССР Мебель саноати министри Ғ. Ҳ. Қурбонов, «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасидаги давлат қабули хизматининг раҳбари М. Ҳ. Обидова, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчев ҳам сўзга чиқдилар.

Нутқларда, бўлиб ўтган фикрлашувлар чоғида Ўзбекистон корхоналарини маҳсулот давлат қабули шароитида ишлашга тайёрлаш қониқарсиз бораётганлиги таъкидланди.

СССР Стандартлар давлат комитетининг тегишли ваколатга эга бўлган вакиллари биринчи январдан бошлаб Ўзбекистон саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмининг салкам 13 процентини бераётган 33 та йирик корхона ва бирлашмаларда тайёрланган барча маҳсулотни текшира бошлайдилар. Давлат стандартлар ва техник шартлар талабларига тўла мос келадиган буюмларнинггина ишлаб чиқаришга рухсат этилади. Пахтачилик учун барча машиналар, электр двигателлари ва электр аппаратлари, электрон техника, кабель, минерал ўғитлар, пахта тозалаш машина-ускуналари, мебель, кийим-кечак ва маҳсулотларнинг бошқа бир қанча турлари ана шундай контрол остига олинади. Ҳозирнинг ўзидаёқ айрим корхоналар маҳсулотининг бир қисми давлат қабул қилувчиларига тақдим этилмоқда. Ҳамма жойда ўхшаш камчиликлар юзага чиқмоқда: технологиянинг бузилаётганлиги, стандартлардан чекиниш, ишчилар ва инженер-техник ходимлар малакасининг пастлиги, завод техника контроли бўлими хизматининг келишувчанлиги ана шундай камчиликлардандир. Бу камчиликларнинг сабаби — маҳсулот сифатига қўйилаётган янги талабларни тушунмаслик, ишлаб чиқариш командирлари психологияси секин қайта қурилаётгани, «бир гап бўлар, ўтиб кетар» деб умид қилишдир. Ҳатто давлат қабулига узоқ ва кўп тайёргарлик кўрган Тошкент трактор заводида ҳам ҳар бешта машинадан биттасини пухталаштириш учун ҳозир қайтаришга тўғри келмоқда. «Таштекстильмаш», «Узбекхлопкомаш», «Андижон электродвигатель» корхоналарида, Тошкент электротехника заводида ва бошқа бир қанча корхоналарда текширилган маҳсулотнинг ҳаммаси юз процент бракка чиқарилди.

Ҳолбуки, сифатни яхшилаш проблемалари Ўзбекистон учун айниқса муҳимдир. Республикада мамлакатимиздаги ўртача миқдордан кўра кўпроқ маҳсулот брак қилинмоқда, кўпгина буюмлар йиллар давомида такомиллаштирилмаган, эскирган технология бўйича, кўп қўл меҳнати сарфлаб ишлаб чиқарилмоқда. Партия комитетлари, бутун-бутун тармоқларнинг раҳбарлари ишлаб чиқариш маданиятининг пастлигига кўникиб қолганлар буюмлар ҳамда халқ учун ишлаб чиқарилаётган товарлар сифатини ошириш йўлида кескин чораларни кўрмаётирлар.

Давлат қабули сифат учун курашнинг қудратли тезлатгичи бўлиб қолиши, ишчидан тортиб директоргача — ҳар қандай даражадаги бракчилар ва технологияни бузувчиларга йўл қолдирмаслиги керак. Кенгашда таъкидлаб ўтилдики, ҳозирги вақтда энг муҳими давлат стандартларидан чекинишларга олиб бориши мумкин бўлган технология жараёнининг бузилишларини очиб ташлаш, уларни ҳисобга олиш ва қолган 36 кун ичида битта ҳам қолдирмай тугатишдан иборат.

Техник ҳужжатларни тартибга солиш, иш жойларини аттестациядан ўтказишни тугаллаш, ишлаб чиқаришнинг ҳамма участкаларини ўлчов асбоблари билан таъминлаш, хом ашё ҳамда комплектлаш узелларини етказиб беруючиларга нисбатан талабчанликни ошириш, техника контроли бўлимлари ишини тубдан яхшилаш—энг муҳим вазифалардандир.

Янги хизмат — давлат қабули дастлабки кунданоқ маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан мустаҳкам алоқада иш олиб бориши лозим, уни энг яхши мутахассислар, коммунистлар, ҳалол, принципиал, камчиликларни шунчаки аниқлабгина қолмай, балки уларни бартараф этишда амалий ёрдам беришга қодир бўлган кишилар билан комплектлаш керак. Ҳозирги вақтда эса янги корхоналарда давлат қабули штатидаги одамларнинг ярми ҳам йўқ.

Лекин энг муҳими—буни ҳам янгича ишлашнинг дастлабки тажрибаси исботлади — бригадаларда, цехларда, участкаларда, цех ва бошланғич партия ташкилотларида кенг тушунтириш ишлари ва тарбиявий ишларни дарҳол, бир соат ҳам кечиктирмай авж олдириб юборишдан иборат. Барча партия комитетлари, касаба союзлари ва комсомолнинг, оммавий ахборот воситаларининг энг муҳим бурчи ҳозир ана шундан иборат.

Ҳар бир меҳнатчи беш йиллик план тақдирида давлат қабулининг моҳияти ва ролини, маҳсулот сифатини оширишнинг совет жамияти учун аҳамиятини билиши керак. Сифатсиз маҳсулот тайёрлашга йўл қўйилиб, ган вақт ўтиб кетганлигини ва у қайтиб келмаслигини ҳар бир киши билиши лозим. Сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришга қайтилмаслиги учун, меҳнач коллективлари зарар кўрмаслиги учун, завод ва фабрикаларнинг социал программалари тўла-тўкис амалга оширилиши учун фақат битта йўл бор. У ҳам бўлса яхши ишлаш, технологияга, Давлат стандарти талабларига қатъий мувофиқ равишда ишлашдир.

Кенгашда ишлаб чиқариш маданиятини ошириш учун ўзлари қатъий чоралар кўриш ўрнига юқори ташкилотларнинг ёрдам беришига ҳамон умид қилаётган раҳбарлар танқид қилинди. Область, шаҳар, район партия комитетларига конкрет топшириқлар берилди—улар давлат қабули органлари комплектланишини, кўзда тутилган корхоналарнинг ҳаммасида давлат қабулига тайёргарликнинг боришини контроль остига олишлари лозим. Вақт оз қолмоқда. Бу муҳим иш учун жавобгар бўлган барча шахслар ва ҳамма хизматларнинг оператив, ўзаро келишиб сарфлаган куч-ғайратларигина давлат қабули ходимлари 1 январда Ўзбекистоннинг йирик корхоналари маркази билан чиқарилаётган маҳсулот ҳозирги талабларга юз процент мос эканлигига гувоҳлик бериш учун тайёргарлик ишларини белгиланган муддатда тугаллашга имкон беради.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари В. А. Антонов, П. В. Догонкин, А. С. Икромов, Ғ. Ҳ. Қодиров, В. Н. Лобко, В. И. Огарок, Х. Алимова, В. А. Хайдуров, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси И. А. Каримов иштирок этдилар.

(ЎзТАГ)

МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

25 ноябрь куни Тошкентда халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш тармоқларида меҳнатга ҳақ тўлашнинг янгича шартларини жорий этиш масалаларига бағишланган республика семинари бўлиб ўтди. Семинарни СССР меҳнат ва социал масалалар давлат комитети, Ўзбекистон ССР меҳнат давлат комитети ва Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ташкил этди. Семинарда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг масъул ходимлари, министрликлар ва идораларнинг, корхоналар ва ташкилотларнинг меҳнат ва иш ҳақи масалалари билан шуғулланувчи раҳбарлари иштирок этдилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров кириш нутқи сўзлаб, семинарни очди.

СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитетининг меҳнат ва социал масалалар қўшма бўлими бошлиғи, экономика фанлари доктори Л. Э. Кунельский докладида, СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети, ВЦСПС, бошқа ташкилотлар вакилларининг нутқларида КПСС XXVII съездининг қарорларига мувофиқ ўтказилаётган экономиканинг асосий тармоқларида банд бўлган кишилар меҳнатига ҳақ тўлаш системасини такомиллаштиришнинг ғоят муҳимлиги таъкидланади. Тўланадиган ҳақ бажарилган меҳнат миқдори ва сифатига, барча ресурс турларидан рационал фойдаланишга бевосита боғлиқ қилиб қўйилади ва янги хўжалик механизмининг узвий бир қисми бўлиб қолади.

Семинарда халқ хўжалиги ишлаб чиқариш тармоқларининг ходимларига янги тариф ставкалари ва мансаб маошлари жорий этилиши билан боғлиқ масалалар комплекси муфассал кўриб чиқилди, тегишли тавсиялар берилди.

Семинарда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова қатнашди.

(ЎзТАГ).

«КОСМОС-1802» ПАРВОЗДА

1986 йил 25 ноябрь куни Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «—Космос-1802» учирилди.

Йўлдош ичига космик фазони тадқиқ этишни давом эттиришга мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган. Илмий аппаратлардан ташқари йўлдошда орбита элементларини аниқ ўлчаш учун радиосистема ва асбоблар ҳамда илмий аппаратларнинг иши тўғрисида Ерга ахборот юбориб туриш учун радиотелеметрик система бор. Йўлдош ичидаги аппаратлар нормал ишлаб турибди.

Координация-хисоблаш маркази олинаётган ахборотни ишлаб чиқмоқда.

ДАВЛАТ ҚАБУЛИГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

ПОЙТАХТДАГИ «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмасида маҳсулотни давлат қабули вакиллари синчковлик билан назоратдан ўтказишяпти. Бу эса ўз навбатида эркаклар ва аёллар пальтоларининг ва бошқа буюмларнинг сифати янада яхшиланишига олиб келмоқда. Суратда: техника назорати бўлимининг назоратчиси Н. Азимова (чапдан), давлат қабули группасининг раҳбари М. Обидова ва 3-цех бошлиғи М. Одилова иш устида.

В. Молгачев фотоси.

ТЎСИҚЛАР ОЛИБ ТАШЛАНСА...

ОҲАНГАРОНДАГИ қурилиш пластмассаси комбинати тарихида ойлик планни уддалай олмаслик фактлари бармоқ билан санарли рақамни ташкил этади. Йиллик, беш йиллик планлар хусусида эса гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Масалан, ўтган беш йиллик планда белгиланган 104470 минг сўмлик ўрнига 112437 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди.

Янги беш йилликнинг ўн ойида 28100 минг сўмлик қурилиш материаллари ва рўзғор буюмлари реализация қилинди. Бу эса планда кўзда тутилганидан салкам 5 минг сўмлик камдир. Энди ноябрь ойида планнинг қандай бажарилишини олдиндан ҳеч ким айтиб беролмайди. Сабаб? Сабаб битта: 1 ноябрдан корхонада маҳсулотнинг давлат қабули жорий этилди. Бу эса ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини янада яхшилашни талаб этади. Сифатсиз тайёрланган маҳсулот учун эса... ноябрнинг 20 куни ичида учта участка тўхтатиб қўйилди.

— Аслида давлат қабулини илгарироқ бошлаш керак экан, — дейди корхонадаги давлат қабули группасининг вакили Ирина Васильевна Дроботова. — Нега дейсизми? Бу саволга бизнинг корхона мисолида қўплаб жавоб топиш мумкин.

Мана, йигирма йилдан ошдики, «Стройпластмасс» комбинати ишлаб келмоқда. Бундан роппа-роса 22 йил бурун корхона қандай қурилган бўлса, ишлаб чиқариш дастгоҳлари қандай ўрнатилган бўлса, ҳозир ҳам ҳаммаси ўша жойларида турипти. Корпуслар ҳам, комбинат майдони ҳам ўша-ўша. Ривожланиш ҳажмига мурожаат қилсак, 1967 йили 3 миллион 594 минг сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, 1985 йилда бу рақам 27 миллион 311 минг сўмни ташкил этди!

Ускуналарни алмаштириш, реконструкция қилиш масаласи йилдан-йилга пайсалга солиб келиняпти. Ана шундай жиддий камчиликларга қарамай республика Бинокорлик материаллари саноати министрлигининг 18 корхонаси ичида биринчи бўлиб мана шу корхонада давлат қабули жорий этилади. Ваҳолонки, министрлик коллегияси комбинатнинг аҳволини чуқур ўрганиб сўнг давлат қабулига таклиф этса бўларди. Сўнгги маълумотларга кўра ксрхона реконструкцияси 1989 йилга мўлжалланган эмиш...

— Унгача ўз ёғимизга ўзимиз қовурилиб ўтираверар эканмиз-да, — деди пресс буюмлари цехи бошлиғи Убайдулла Шерматов. — Давлат қабули вакиллари заводда иш бошланган дастлабки кунлардаёқ қувурлар чиқадиган участкамизни ёпиб қўйишди. Участкада 7 та қувур тайёрлайдиган машина бор. Ҳар бир машина тўрт хил диаметрдаги қувур ишлаб чиқариш имконига эга. Янги талаблардан келиб чиқадиган бўлсак, ноябрь ойигача чиқарилган бирорта маҳсулотимиз стандарт талабларига жавоб бермас экан. Эрта билан ишга келиб, белгиланган планни бажариб хотиржам уйга қайтаверардик. Миқдор кетидан қувиб сифатга эътибор бермас эканмиз. Технология бўйича хом ашёни эритиб диаметри 165 миллиметр қилиб қўйилгач, қувур совигандан сўнг 15 соат ўтгач у 161,5 миллиметргача тортилиши керак. Бизда эса у қандай қўйилган бўлса, шундайлигича чиқиб кетаверар экан. Бундан ташқари, мавжуд 7 та машинанинг учтаси автомат усулида қирқади. Қолганида уни ишчилар қўлда бажаришарди. Қўлда бажарилган иш ҳар доим ҳам аниқ бўлавермайди.

Йигирма йиллик машиналарнинг ҳанузгача шундай ишлаётганига тан бериш керак. Ускуналар «тиқ» этса, уни ўзимиз тузатамиз. Мана, энди ишни тўхтатиб қўйишган. Битта машинани тузатиш учун 5—6 хил деталь керак экан. Конструкторлик бўлими ходимлари бу деталларни тайёрлаб беришди. Барибир бир ой бўлляптики, ҳамон битта машинамиз тузалгани йўқ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР БИНОКОРЛИК МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ ДИҚҚАТИГА!

Ҳаммасини тўлиқ ишга туширш учун эса олти ой вақт керак...

Изласа имконият топилади. Бироқ, бу имкониятни балки корхона доирасида топиб бўлмас. Унда министрлик ёрдам қўлини чўзиши керак. Ҳозирча корхонадаги аҳвол юқоридагича — оғир... Жадаллаштириш — сифат билан боғлиқ. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетида бўлиб ўтган Кенгашда «Жадаллаштириш энг аввало техника тараққиёти орқали, янги техника ва технологияга ўтиш орқали, инсон омилини активлаштириш орқали ўтади. Энг муҳими сифат ва яна сифат!» деб таъкидлади.

Мазкур корхонада эса сифат учун кураш энди бошланибди.

— Илгари, — дейди Ирина Васильевна, — тўғрисини айтганда маҳсулотларда учраган айрим нуқсонларни кўриб кўрмасликка олардик. Техника назорати бўлими бошлиғи сифатида кўзни чирт юмиш ҳоллари кўп бўларди. Энди бунга йўл йўқ. Илгари техника назорати бўлими ходимларининг штатини қисқартиришга ҳаракат қилинарди. Ҳозир эса улар сони яна оширилмоқда ва тўғри қилиняпти.

Илгари эса фақат линолеум цехида давлат қабули янги соҳа бўлганлиги учун ташкилий масалалар бироз қийинчилик туғдиряпти. Ҳозир биз тўрт кишимиз. Штат бўйича саккиз нафар бўлишимиз керак. Давлат қабули вакиллигига эса фақат олий маълумотли мутахассислар керак. Махсус ўз бланкамиз йўқ, ҳар бир текширишдан сўнг 5—8 қоғозлик маълумотларни машинкада ёзиб ўтирамиз. Лабораториямиз ёмон аҳволда. Текшириш — ўлчаш приборлари етарли эмас. Вакилларимиз текширишда ишлатиладиган рулетка, линейка, микрометр, қалинликни ўлчовчи асбоблар билан таъминланмаган.

...Корхонада ўтказилган дастлабки текширишларда фақат КН-3 маркадаги мастит муваффақиятли ўтди. Ўтган 20 кун давомида вакиллар бошқа маҳсулотларни кўрикдан ўтказмадилар. Барча маҳсулотларни техника назорати бўлими ходимларининг ўзлари бракка чиқармоқдалар. Йшласа бўлар экан-ку!

Корхонага келтирилаётган хом ашёлар сифатини назорат қилиш йўлга қўйилди. Москва областидан келаётган ПВХ — поливинилхлоридли суратли пленка ишлаб чиқаришга кетадиган хом ашёга катта эътирозлар бор. Линолеумнинг тагига ёпиштириладиган газламали материалларни Навоий шаҳридан ва областимиздаги корхонадан олинади. Уларнинг бир гал биттаси сифатсиз келса, бошқа сафар бошқаси ёмон аҳволда бўлади. Шунинг учун бу хом ашёларни бир корхонадан олиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Комбинатга Тошкент қоғоз фабрикасидан қўплаб эътирозлар келарди. Сабаб — жўнатилаётган муқовалаш материалларининг ўраш иши сифатсиз бажарилиб, рулоннинг ич қисми бир-бирига ёпишиб кетарди. Энди-ликда операторлар ана шу сифатсиз жойнинг маълум метрини ёзиб қўйишадиган бўлишди.

Тайёр маҳсулотлар омбори жуда тор. Омборнинг ичи совуқ, иситилмаган. Стандарт талабларига кўра омбор 10 даража иссиқ бўлиши керак. Унинг кичиналигидан баъзи маҳсулотлар очиқ ҳавода, қор, ёмғирлар остида қолиб кетмоқда!

Савдо ташкилотларидан келган талабномаларда маҳсулотларнинг ташқи безаги — упаковкаси чиройли бўлиши талаб этилмоқда. Илгарилари тайёр буюмлар фанерлар, ёғочлардан ясалган яшчикларга солиб жўнатиларди. Ҳозир эса картон қутиларга солиб савдо ташкилотларига етказилмоқда. Бу қутилар ҳам янги эмас: йиртиқ, кир ҳолда келтирилмоқда.

Комбинатда сифат ўзгаришида маълум силжишлар бор. Бироқ, юқоридаги камчиликлар мавжуд шароитда бу силжишларни тезлатиб бўлмайди. Бунга эса республика Бинокорлик материаллари саноати министрлиги зудлик билан ёрдам бериши керак.

А. ҒУЛОМОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ҲАРАКАТЛАР ДАВРИ

Комсомол ташаббуси билан ўтказилаётган урушга қарши Бутуниттифоқ ёшлар референдумининг шиори ана шундай. Бу референдум 22 ноябрь куни бошланди. Республика шаҳар ва қишлоқларидаги минг-минглаб ўзбекистонлик йигит-қизлар тинчлик ишини сўз билан эмас, балки иш билан мустаҳкамлашга даъват қилаётган варақа-бюллетенларга имзо чекдилар.

Булар орасида 22 ноябрь куни ўзларининг район конференцияларига йиғилган Тошкентдаги Чилонзор районининг йигит ва қизлари ҳам бор. «Ташметрострой»нинг тоннел отряди ишчиси С. Огородов ҳам варақага имзо чекди.

— Жонажон Коммунистик партиямиз тинчликсевар йўлини ишончли тарзда қўллаб-қувватлаш учун виждонан меҳнат қилиш керак, — деди у. А. Башкирцев раҳбарлик қилаётган бизнинг комсомол ёшлар бригадамиз ўз йиғилишида референдумда актив иштирок этишга қарор қилиб, беш йилликнинг биринчи йили планини муддатидан илгари бажариш мажбуриятини олди. Бугун эса бригада аъзолари йил бошидан бери учинчи шанбалик ўтказиб, ундан тушган маблағни тинчлик фондига ўтказишга қарор қилдилар.

(ЎзТАГ).

ОЛТИ ЁШЛИ КОНСТРУКТОРЛАР

Олмалиқ ёш техниклар станциясига қатнайдиган олти ёшли ўғил ва қиз болалар XXI аср техникасини тўқ сариқ гусеницали бульдозер, катта иллюминаторли космик кема, чебурашкани эслатувчи робот тимсолида тасаввур қиладилар. Бу ерда уларнинг биринчи кўргазмаси очилди. Унда кичкинтойлар ўз қўли билан тайёрлаган энг оддий конструкциялар намойиш этилмоқда. Болалар учун бу ерда авиация ва автомобиль техникасини дастлабки моделлаш махсус тўгараклари очилган, техника ўйинлари ишлай бошлади. Олти ёшлилар билан машғулотларни тўгарак ва секцияларнинг тажрибали раҳбарлари олиб бораяпти. Бу бежиз эмас, чунки болаларнинг мустақил ижод қилиши мактабда дарсларни яхши ўзлаштиришга, дунёқарашнинг кенглигига, фикрлаш қобилиятига боғлиқдир. Келажакда эса касб танлашда қўл келади.

Олмалиқ ёш техниклар станцияси Ўзбекистонда энг яхши станциялардан бири ҳисобланади. Унинг аъзолари Бутуниттифоқ ва республика конкурсларининг доимий қатнашчиларидир. Станция аъзоларининг ҳаракат қилувчи турли техника моделлари бир неча бор СССР Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида намойиш этилган. Медаллар ва эсдалик дипломлари билан тақдирланган. Ҳозир тўгарак қатнашчиларининг икки иши— «Колос» элеватори модели билан икки қаторли пахта териш машинаси Москвага юборилган.

(ЎзТАГ мухбири).

СССР Давлат мукофоти лауреатлари

ТЕЙЛЕРИОЗ ЧЕКИНМОҚДА

Яқинда академик К. И. Скрябин номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ўзбекистон ветеринария илмий-тадқиқот институтида қувончли хабар тарқалди: йирик шохли молларнинг тейлериоз касаллигига қарши вакцинани яратиш асослари, унинг саноат биотехнологияси назариясини ишлаб чиқиш ва юқори иммунитетли янги вакцинани жорий этишда қўлга киритган муваффақиятлари учун бир гуруҳ таниқли олимлар қаторида мазкур институтнинг Тошкент областидаги таянч пункти мудири, ветеринария фанлари кандидати Илҳом Ҳасанович РАСУЛОВга ҳам СССР Давлат мукофоти берилди.

...Болаликдан суяги меҳнатда ҳотган Илҳомжон қишлоқ хўжалигини фан-техника тараққиётисиз ривожлантириш мумкин эмаслигини ўз тушунчаси доирасида жуда яхши англади. Шу боисдан ҳам у 1953 йилда Москвадаги мўйначилик институтининг ветеринария факультетига ўқишга кирди. Уни 1958 йилда муваффақиятли битириб, Ўзбекистон ветеринария илмий-тадқиқот институтига йўлланма билан ишга келди.

Ёш мутахассис бу ерда дастлаб оқсил касаллигини ўрганиш экспедициясида, бруцеллез касаллигини ўрганиш, сўнг қон касалликларига қарши эмлаш лабораторияларида ишлади. Ана шу жараёнларда И. Расулов институт ҳузуридаги аспирантурани битириб, 1965 йилда «Иттифоқ миқёсида тейлериоз штаммларини аниқлашнинг иммунобиологик хусусиятлари» мавзуида кандидатлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади.

Шундан кейин лаборатория мудири сифатида ўзи бошқараётган коллективни республика миқёсида чорвачиликдаги қон касалликларининг химиявий профилактикасини амалга ошириш, молларни бу касалликка қарши эмлашга сафарбар этишда катта куч сарфлади. Пироплазмоз, франсаннеллёз касалликларига қарши азидин препарати биринчи марта шу лабораторияда қўлланилди. Кейинчалик бу касалликларга қарши эмлаш усуллари жорий этилди.

Таъкидлаш лозимки, ветеринария фани ҳозирги кунда тейлериоз билан касалланган молни омон сақлаб қолишга қодир эмас. Олимлар томонидан тавсия этилган комплекс даволаш усуллари ҳамон самарасиз. Бунинг устига турли касаллик чиқарувчи каналарга қарши қурашишда ишлатиладиган заҳарли химиявий моддалар инсон саломатлиги ва ташқи муҳитга салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун Бутуниттифоқ экспериментал ветеринарияси илмий-тадқиқот институти ва Ўзбекистон ветеринария илмий-тадқиқот институтининг Сирдарё областидаги таянч пункти олимлари ҳамкорлигида узоқ давом этган изланишлар бу муаммони муваффақиятли ҳал этиш билан якунланди. Тейлериоз касаллигининг олдини олиш кучига эга бўлган тирик культурал вакцина яратилди. Бу вакцинанинг олдингиларидан устунлиги шундаки, у билан эмланганда касалликка қарши пайдо бўладиган иммунитет молнинг бутун умрига етади.

Бу усул моллардаги каналарга қарши қўлланиб келинган заҳарли химиявий моддалар миқдорини камайтиришга, меҳнат унумдорлигини бир неча баравар оширишга ва ташқи муҳитни химиявий асоратлардан муҳофаза қилишга олиб келди. Мазкур препарат яратилиши билан бирга уни конвервация қилиш, яъни препаратни минус 196 даражали суюқ азотда узоқ йиллар давомида сақлаш ва хўжаликларга транспортировка қилиш усуллари ишлаб чиқилди. 1982 йилдан бошлаб бу юқори иммунитетли вакцинани саноат усулида ишлаб чиқариш ва кенг қўллаш тавсия этилди.

Тейлериозга қарши яратилган вакцина Иттифоқимизда биринчи марта Илҳом Расулов бошлиқ коллектив томонидан 1974 йилда Сирдарё районидаги «Сирдарё» совхозида қўлланилди. Дастлабки тажрибалар вакцина авторлари қамкорлигида бажарилди. Маълумки, қуруқ-қурғоқ зоналарда каналар кам учрайди. Шунинг учун дарё бўйидаги сернам тўқайда 31 бош қорамолдан 25 тасида тажриба ўтказилди. Бунда Мирзачўл ўзлаштирилиб, келажакда барпо этиладиган чорвачилик ферма ва комплексларида бўладиган эпизоотик ҳолатни олдиндан ўрганиш мақсади кўзда тутилди.

Республика агросаноат комитети бош ветеринария бошқармаси назоратида ўтказилган синов натижалари кўнгилдагидек бўлганлиги туфайли бу иш Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё областлари ва Қорақалпоғистон АССРда ҳам муваффақиятли давом эттирилди. Шуниси қувончли, янги вакцинани қўллаш юқори самара бергандан сўнг энди республикамиз тажрибаларига таяниб, ўзбек олимларининг илмий-методик кўрсатмалари асосида бу муҳим тадбир Тожикистон, Туркманистон ва Қозоғистонда ҳам амалга оширилмоқда. Ҳозирга қадар тейлериоз касаллигига қарши эмланган моллар сони ярим миллиондан ошиб кетди. Бир қатор область ва районларда қорамоллар, айниқса, зотли моллар ўртасида бу касаллик кескин камайди. Ана шу тадбир қон касаллиги туфайли кўриладиган 50 миллион сўмликдан ортиқ иқтисодий зарарнинг олдини олиш имконини берди.

Ҳа, Илҳом Расулов етакчилигида амалга оширилган мазкур тадқиқот кенг оммалашди. Биз ўзбекистонлик олимларни СССР Давлат мукофотига сазовор бўлганликлари билан муборакбод этиб, уларнинг келгуси илмий-ижодий изланишларида янги ютуқлар тилаймиз.

А. ЖУРАЕВ,
Ўзбекистон ветеринария илмий-тадқиқот институтининг катта мутахассиси.

МЕТАЛЛОЛОМ—ВАТАНГА

Тошкент областида 1986 йил ўн ойлик ва ноябрь ойининг 17 кунида металлолом тайёрлаш планининг бажарилиши тўғрисида МАЪЛУМОТ

(Иккинчи устун ноябрь ойининг 17 кунида планнинг бажарилиши; учинчи устун 1986 йил ўн ойлик планининг бажарилиши процент ҳисобида).

ШАҲАРЛАР		
Тошкент	34,2	104,1
Олмалиқ	30,4	88,7
Ангрен	30,5	103,5
Оҳангарон	22,9	93,8
Бекобод	32,6	109,7
Нариманов	30,8	88,4
Чирчиқ	30,1	98,8
Янгиобод	20,5	101,6
Янгийўл	16,5	103,3
РАЙОНЛАР		
Оққўрғон	16,1	94,6
Оҳангарон	22,9	93,8
Бекобод	30,8	98,0
Бўстонлиқ	30,3	107,7
Бўка	19,1	80,6
Ғалаба	15,4	95,5
Калинин	23,8	105,9
Коммунистик	35,0	104,7
Оржоникидзе	30,4	114,1
Паркент	22,9	106,5
Пискент	24,2	92,5
Ўрта Чирчиқ	26,5	103,0
Тошкент	33,7	123,4
Чиноз	13,8	98,8
Янгийўл	14,2	111,5
Область бўйича:	31,5	100,5

Областда металлолом тайёрлаш бўйича 1986 йилнинг ўн ойи якуни шуни кўрсатадики, кўпгина корхона, ташкилот ва хўжаликлар белгиланган топшириқларни бажардилар. Бироқ Олмалиқ, Оҳангарон, Чирчиқ, Нариманов шаҳарлари, Оққўрғон, Бўка, Ғалаба районларининг айрим меҳнат коллективлари металлолом топшириш топшириқларини уддалай олмадилар. Баъзи йирик корхоналар, масалан, «Чирчиксельмаш» пландагидан 336 тонна, «Электрохимпром» 174 тонна, Олмалиқ кон-металлургия комбинати 500 тонна, Олмалиқ темир-бетон буюмлари заводи 181 тонна кам топширдилар. Шунингдек, область агросаноат комитети ташкилотларида ҳам бу борада иш суст олиб борилмоқда.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДАН ХАТЛАР

ЯНГИ СЕКРЕТАРЬ САЙЛАНГАЧ

ҲАММА ўзгариш янги секретарь сайлангандан кейин бўлди. Унгача йиғилишлар вақтида ўтмас, қарорлар ижроси текширилмас, ҳисоботлар тингланмас эди. Умуман, мутахассислар масъулиятни унутиб қўйишган эди. Тошкент олий партия мактабини тамомлаб келган Жамбул Қурбонбеков колхоз партия ташкилоти секретарлигига сайлангач биринчи галда ишнинг шу томонига эътиборни қаратди. Партия комитетининг навбатдаги мажлисларидан бирида бош инженер Ў. Кистовбоевнинг ҳисоботини тинглашни таклиф этди.

Ўша кезларда пахта йиғим-терими яқинлашиб қолган эди. Ҳўш, бош инженер бу мавсумни тез ва соз ўтказиш учун қандай чоралар кўряпти? Мажлисда шу савол кўндаланг қилиб қўйилди. Чамаси, масаланинг бундай конкрет қўйилишини бош инженер кутмаган эди. Одатдагидек умумий гаплар, ваъдалар билан қутилиб кетмоқчи бўлди. Секретарь бунга йўл қўймади. Ҳисобот юзасидан жиддий муҳокама бошланди. Партком аъзолари 7-, 9-бригадалардаги мавжуд техника воситалари ниҳоятда сифатсиз ремонт қилинганлигини, уларни қайта кўздан кечириб чиқиш зарурлигини уқтиришди.

Партком мажлисида бош агроном С. Мусаевнинг пассивлиги ҳам кўрсатиб ўтилди. У пайкалларни машина теримига тайёрлаш юзасидан назоратни бўшаштириб юборган эди. Партком аъзолари барча тайёргарлик ишларини бир ой ичида тўла якунлаш лозим деб топдилар. Аниқланган камчиликлар қандай бартараф этилганлиги ҳақида яна бош инженер ва бош агроном ҳисоботини тинглашга қарор қилдилар.

Сентябрь ойи бошларида колхоз коммунистларининг умумий йиғилиши бўлди. Колхоз партия комитети секретари Ж. Қурбонбеков йиғим-теримни намунали ўтказишда коллектив олдида турган вазифалар тўғрисида доклад қилди. Шунда у ўттан ойда бош мутахассислар адресига бир қатор эътирозлар билдирилганлигини эслатиб ўтди. Музокарада қатнашган бош агроном С. Мусаев, бош инженер Ў. Қистовбоев ўша танқиддан сўнг ишда қандай ўзгаришлар рўй берганлиги ҳақида коммунистлар олдида яна бир карра ҳисоб бердилар.

Йиғилиш қарори билан ҳар бир бригадада муваққат партия группалари тузилди ва сиёсий комиссарлар сайланди. 9 та пахтачилик бригадасининг ҳаммасига бош мутахассислар бириктириб қўйилди. Улар йиғим-теримни тез ва соз ўтказиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда бригада раҳбарларига яқиндан ёрдам кўрсата бошладилар. Йиғим-терим даврида матбуот маркази ишлаб турди. Иш қаерда қандай ёритилганлиги ҳақида колхозчиларга маълумотлар бериб борилди. Варақаларда камчиликлар рўйхат танқид қилинди.

Партиявий ишларни қайта қуриш йўлида кўрилган бундай тадбирлар мавсумда яхши самаралар берди. Свердлов номли колхоз районда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш планини бажарди. С. Баратов, М. Ҳолиқов каби коммунистлар раҳбарлик қилган бригадаларда ҳосилдорлик 40 центнерга етди. Механизмлар тўла қувват билан ишлатилди. Демак, топширилган ишга ҳар бир киши масъулиятини ҳис этган ҳолда ёндошса ижобий ўзгаришлар бўлиши табиий экан. Буни коммунистлар ҳам, партиясиз активлар ҳам тўла тушуниб етдилар.

Ҳ. НОРҚУЛОВ,
Ўрта Чирчиқ райони.

НОМГА ДОҒ ТУШИРДИ

— Пахта йиғим-терими ниҳоясига етаётган шу дамларда киши ёдига беихтиёр ҳосил учун қурашнинг қизғин кунлари тушади, — дейди колхоз партия комитетининг секретари Азимжон Қурбонов. — Ўшанда ёз ойлари эди. Партком аъзолари С. Бердибеков бошлиқ бригада далаларини айланиб ғўза парваришида сусткашликка йўл қўйилганлигини кўришди. Хотиржамлик, ўзибўларчилик кайфияти бу ерда ҳукмрон эди. Шундан сўнг биз партком мажлисида бригада бошлиғининг ҳисоботини қўйдик.

Коммунистлар С. Бердибеков бошлиқ бригада далаларида кўрган ҳамма камчиликларни юз хотир қилмай гапиришди. Ўз вазифасига масъулиятсизлик билан қараган бригадир қаттиқ оғоҳлантирилди. Партком қарори барча цех партия ташкилотларида ишлаб чиқилди. Бу тадбир одамларни сергакликка чақирди.

Колхоз партия комитети КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми талаблари асосида хўжаликка раҳбарликни қайта қурмоқда. Ўрта звено кадрлари орасида ҳозир кўпчиликни коммунистлар ташкил этяпти.

Навоий номли колхоз партия комитети топширилган иш учун ҳар бир кадрга нисбатан талабчанликни ошириб бораяпти. КПСС Устави талабларини бузган коммунистлар нисбатан эса тегишли жазони бермоқдалар. Коммунист деган юксак номга доғ туширган Абдумўмин Қўшбоқов КПСС сафидан чиқарилди. Жаббор Норжигитов эса қаттиқ партиявий жазо олди.

Қайта қуриш жараёнида талабчанлик яна ҳам ортиб боряпти. Цех партия ташкилотлари танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантирмоқдалар, қарорлар ижросини таъминлашда коммунистларнинг масъулиятини оширмоқдалар. Бу соҳада Ғофур Қурбоналиев, Алиқул Турдиалиев каби цех партия ташкилоти секретарлари принципиаллик кўрсатмоқдалар. Эндиликда колхозчилар ўртасида олиб борилаётган идеология ишларига ҳам эътибор кучаймоқда. 22 агитатор, 18 сиёсий ташкилотчи, 11 сиёсий ахборотчи Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленуми қарорлари асосида сиёсий-тарбиявий иш формаларини такомиллаштириб бормоқдалар.

Ф. ЗИЕДУЛЛАЕВ,
Бекобод райони.

ҚЎШИМЧА КОРПУСЛАР

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»нинг 153-трестига қарашли 39-қурилиш бошқармасининг Юрий Толстянов етакчилигидаги бригада илғор коллективлардан ҳисобланади. Улар бошқарма коллективлари ўртасидаги социалистик мусобақада ҳам пешқадамлар сафида боришяпти. Шу кунларда бу аҳил коллектив Чилонзор массивида Бутуниттифоқ хирургия илмий марказининг Тошкент филиали учун иккита қўшимча корпусларни қурмоқда. Пардозлаш ишларини эса 45- ва 12-қурилиш бошқармаларининг ишчилари олиб боришмоқда. Қўшимча биноларни бунёд этиш учун 3 миллион 360 минг сўм капитал маблағ ажратилган. Бугунга келиб бу маблағнинг ярми ўзлаштирилди. Янги корпусларни 1987 йилнинг май ойида фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда.

О. МАҲМАЮСУПОВ.

Хатлар «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» назоратида

ТЕКШИРИШЛАР, НАТИЖАЛАР, ЧОРАЛАР

«Онламизда 5 киши яшаймиз. Табиий газдан фойдаланиб, 130 квадрат метр жойни ситамиз. 3 та контромарка печи ва 1 та газ плитаси учун 13 сўм 50 тийин ҳақ тўлашимиз керак экан. Биз эса 7 сўм 72 тийиндан тўлаган эдик. Буни нотўғри дейишаяпти. Шу масалани аниқлаб беришларингни илтимос қиламиз».

Бекободлиқ Қамбаровлар оиласининг юқоридаги мазмундаги хатини «Ташоблгаз» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошлиғи Б. С. Раҳимовдан кўриб чиқишни ва ҳал қилиб беришни илтимос қилинган эди. «Ташоблгаз»дан қўйидаги жавобни олдик: — Мамлакатимизда жорий этилган «Ёқилғининг чакана нархлари прейскурантига мувофиқ табиий газдан фойдаланганлик учун 1983 йил 8 декабрда Ўзбекистон ССР Давлат нарх комитети томонидан тасдиқланган ҳужжат бўйича табиий газдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш тартиби қуйидагича:

— истиқомат қилувчи аҳоли жон бошидан ой ва тайёрлаганлиги учун йилига 5 сўм 76 тийин, 1 ойга эса 48 тийин ҳақ олинади:

— колонкали (сув иситгичли) ваннадан фойдаланган учун истиқомат қилувчи ҳар бир киши бошига йилига 3 сўм, ойига эса 25 тийиндан ҳақ олинади;

— квартиралар, уйлар газ билан иситилгани учун иситувчи газ асбобининг қайси маркада бўлишидан қатъий назар, бутун иситиш мавсуми давомида ҳар бир квадрат метр майдон ҳисобидан 90 тийиндан, ойига эса 8 тийиндан ҳақ олинади;

— иситиш асбоблари (иситиладиган юза) қаерда жойлашишидан қатъий назар, бутун фойдали майдон — уй-жой майдони, ваннахона, ошхона, йўлаклар, бундан ташқари иситиш асбоблари бўлган бошқа хоналар майдони (айвонлар, ойнавандли айвонлар, пешайвонлар ва бошқа қўшимча қурилган хоналар) иситиладиган майдон деб тушунилади.

Сизга табиий газдан фойдаланганлигингиз учун тўланадиган ҳақ миқдори қуйидагича бўлади:

— овқат тайёрлаганлиги учун жон бошига 5 сўм 76 тийиндан бўлганда 5 кишига 28 сўм 80 тийин;

— инвентаризация планига мувофиқ иситиладиган уй-жойингиз саҳни 133 квадрат метрни ташкил этади. Қиш даврида яъни ноябрь, декабрь, январь, февраль, март ойларида уйни иситганлигингиз учун ҳар квадрат метр саҳнга 96 тийиндан, умумий миқдори 127 сўм 68 тийинни ташкил этади. Шундай бўлгач сиз газ учун бир йилда ҳаммаси бўлиб 156 сўм 48 тийин тўлашингиз керак. Сизга тўлашингиз учун қулай бўлиши ҳисобга олиниб бу сумма 12 ойга тақсимланади. Демак, табиий газдан фойдаланганлигингиз учун хатингизда кўрсатилган 7 сўм 72 тийин эмас, ҳар ойда 13 сўм 04 тийиндан тўлаганингиз, тўғри бўлади.

* * *

«Олмазор посёлкасидаги дўконга кириб нон олдим. Сотувчига битта 3 сўмликни бердим. У эса 10 тийин бер, деди. Сотувчи аёлга бошқа пулим йўқлигини айтган эдим, эшитадиганимни эшитдим, жеркиб ташлади. Савдо ходими ҳам шунчалик қўпол муомала қилади? Биргина менинг ўзимга бундай муомала бир эмас кўп марта такрорланди».

Чиноз район Олмазор посёлкасида истиқомат қилувчи Гулбаҳор КАРИМОВА.

Хат бўйича Чиноз район матлубот жамияти правлениеси текшириш ўтказди. Текширишда хатда кўрсатилган фактлар тасдиқланган.

«Олмазор» ишчилар кооперациясига қарашли 7-нон магазини мудири З. Белянинанинг харидорлар билан қўпол муомалада бўлиши правлениеда муҳокама қилинган ва правлениенинг қарори билан у магазин мудирлигидан бўшатилиб, бошқа ишга ўтказилган.

РАПОнинг МОЛИЯВИЙ АҲВОЛИ

СССРда Давлат агросаноат комитети ва унинг жойлардаги органларининг тузилиши мамлакат агросаноат комплексида бошқарув, планлаштириш ва маблағ билан таъминлаш бирлигини белгилади. Район агросаноат бирлашмалари (РАПО) — агросаноат комплекси бошқарув системасида дастлабки бўғин бўлиб, уларга тегишли ҳуқуқлар берилган. Район агросаноат бирлашмаси колхозлар, совхозлар, таъминот, транспорт ва қурилиш ташкилотлари, қайта ишловчи ва ремонт корхоналари ишини планлаштириш ва уларни маблағ билан таъминлашни амалга оширади.

Бунда шуни кўзда тутиш керакки, РАПОга бўйсунувчи корхоналар ва ташкилотлар хўжалик жиҳатдан тўла мустақиллигини сақлаб қоладилар. РАПО уларга бюджетдан маблағ ажратилиши характери қандай бўлишидан — республика ёки маҳаллий бюджетдан таъминланишидан қатъий назар, маблағ билан таъминлайди. Шуни ҳам айтиш керакки, ҳозир агросаноат комплекси мана шу бошланғич бўғини тасарруфида 18 миллиард сўм бюджет ажратмалари, шунингдек 5 миллиард сўмлик марказлаштирилган, резерв фондлари ҳамда иқтисодий рағбатлантириш фондлари бор.

СССР Давлат агросаноат комитетига ва иттифоқдош республикалар агросаноат комитетларига, ўлка ва область агросаноат комитетларига бевосита бўйсунувчи корхоналар ва ташкилотларга келганда, уларнинг аҳволи бошқачароқ. Улар қаерда жойлашганидан қатъий назар, ўзлари бўйсунувчи органлар томонидан маблағ билан таъминланадилар.

Маълумки, колхоз ва совхозлар одатда ўз маблағлари ва банк кредитлари ҳисобига кенгайтирилган такрорий ишлаб чиқаришни амалга оширадилар ва ноишлаб чиқариш объектларини қурадилар. Шу билан бирга РАПО қишлоқ хўжалик корхоналарини асосан ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базасини янада ривожлантириш ҳамда социал проблемаларни ҳал этиш ҳаражатларига мустақил равишда маблағ ажратади. Эндиликда ўз маблағлари ҳисобига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни ҳозирча қўпайтира олмайдиган хўжаликларни маблағ билан таъминлаш имконияти вужудга келди. Бу масала сарфланган капитал маблағ энг кўп самара берадиган қайта ишлаш корхоналари, цехлари, омборлар, озуқа цехлари, машиналарни сақлаш учун бостирмалар қуриш учун жуда актуалдир.

РАПОга берилган ҳуқуқлар маҳсулот етиштириш, қайта ишлаш ва сақлашни ягона технология занжирига бирлаштириш имконини беради. Шу йўл билан маҳсулотнинг нобуд бўлишини камайтиришнинг кескин проблемаси муваффақиятлироқ ҳал этилади. Бу эса ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабларни тўлароқ қондиришга баракали таъсир қилади. Ажратилаётган бюджет маблағларини улардан фойдаланиш йўналишлари бўйича қайта тақсимлаш имконияти вужудга келди. Буни тушунтириб берамиз. Масалан, агар капитал қурилиши плани ошириб бажарилаётган бўлса, РАПО бу маблағларни бошқа мақсадларга сарфлашни камайтириш ҳисобидан совхозга қўшимча маблағ ажратиб бериши мумкин. Шунингдек улар молия органлари билан биргаликда маҳаллий бюджетда район бўйича қишлоқ хўжалигига кўзда тутилган маблағларни кварталларга қараб тақсимлашни ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

РАПО баъзи корхоналар фойдалана олмаган капитал қурилишга ажратилган бюджет маблағларини иккинчи ярим йилликда қурилиш ва машиналар сотиб олиш эҳтиёжи туғилган бошқа хўжаликларни маблағ билан таъминлашга олиб беришга ҳақлидир.

Агросаноат комплекси совхозлари ва бошқа корхоналарини бюджет ҳисобидан маблағ билан таъминлашни соддалаштириш йўлида катта қадам қўйилди. Эндиликда агросаноат комплекси бўйича ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва бошқа ҳаражатлар учун маблағларни РАПО айрим тармоқларга бўлиб кўрсатмаган ҳолда яхлит ажратиб бера олади. Ана шу маблағларни РАПО совхозлар, саноат корхоналари, таъминот ва ўзига бўйсунувчи бошқа корхоналарга тақсимлайди ҳамда ҳаражатларнинг тармоқлари ва моддалари юзасидан уларни ҳисобга олиб боради.

СССР Давлат агросаноат комитети системасидаги корхоналар ва ташкилотларни давлат капитал қурилишини маблағ билан таъминлашнинг ягона тартиби ҳам ўрнатилди. Капитал қурилишни маблағ билан таъминлаш планларига очиладиган ҳаражат жадвалида РАПО ўзига бўйсунувчи корхоналар ва ташкилотларга ажратиладиган бюджет маблағларигина акс эттирилади. Бу корхоналар ва ташкилотлар эса СССР Давлат банки муассасаларига ҳамма манбаларни — ўз маблағларини, банк кредитларини ва бюджет маблағларини акс эттириб, капитал қурилишни маблағ билан таъминлаш планини тақдим этадилар.

Директива қарорларига мувофиқ равишда давлат бюджетида асосий фондлар билан етарли таъминланмаган ҳамда такрорий қайта ишлаб чиқариш учун ўз маблағлари бўлмаган колхозларнинг хўжалик ички йўллари ва маданий-маиший объектлар қурилишига, мактабгача тарбия болалар муассасалари ҳамда маданий-маърифий муассасалар ва пионер лагерларини сақлаб туришга, шунингдек страхование тўловларини тўлашлари учун давлат бюджетидан ҳар йили 3,3 миллиард сўм ажратиш кўзда тутилади.

Эндиликда ана шу маблағларни хўжалик ички йўлларини, маданий-маиший ва коммунал объектларни реконструкция қилишга, шунингдек лойиҳа-қидирув ишларига сарфлашга ҳам рухсат этилади. Ана шу мақсадлар учун маҳаллий бюджетлардан маблағлар ажратиш кўзда тутилади. РАПО бу маблағларни колхозларнинг иқтисодий ва молиявий аҳволини, уларнинг ривожланиш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда кам рентабелли хўжаликлар ва айрим тадбирлар учун тақсимлайди.

Молия ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида тўловлар миқдорини белгилашда, марказлаштирилган резерв фондларни ташкил этишда агросаноат комплекси бошқарувининг маҳаллий органига катта ҳуқуқлар берилди. РАПО район бўйича бюджетга тўловларнинг умумий суммасига асосланиб, колхозлар ва совхозларнинг бюджетга тўловлари миқдорини белгилаб беради. Бунда хўжаликларнинг ишлаб чиқариш потенциали — ерга берилган иқтисодий баҳо, асосий фондлар ва меҳнат ресурслари билан таъминлаш даражаси ҳисобга олинади. Айрим хўжаликларга тўловлар юзасидан имтиёзлар берилади.

Ўлка ва область агросаноат комитетларининг ҳамда иттифоқдош республикалар давлат агросаноат комитетларининг район агросаноат бирлашмалари марказлаштирилган резерв фондларига совхозлар, колхозлар ва бошқа корхоналарнинг взнослари ҳажмини ҳам ишлаб чиқариш потенциалини ҳисобга олган ҳолда РАПО белгилаб беради. Бу резерв фондларидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш бўйича хўжаликлараро корхоналарни ҳамда бошқа ихтисослаштирилган корхоналарни ривожлантириш учун фойдаланилади. Мақсад — давлат агросаноати системасидаги колхозлар, совхозлар, корхоналар ва ташкилотлар хўжалик юритиш шароитларини тенглаштиришдан, табиий офатдан зарар кўрган хўжаликларга ёрдам беришдан иборат. РАПО тасарруфида социал-маданий тадбирлар ҳамда уй-жой қурилиши, шунингдек, моддий рағбатлантиришнинг марказлаштирилган фондлари ҳам бор. Бу фондлар корхоналар ва ташкилотларнинг шунга ўхшаш фондлари қисмларидан ташкил топади.

Кўринриб турибдики, молия соҳасида район агросаноат бирлашмаларига катта ҳуқуқлар берилган. Шу билан бирга мазкур ҳуқуқлар колхозлар, совхозлар ва бошқа корхоналар ҳамда ташкилотларнинг хўжалик ҳисоби ҳуқуқларига зид бўлмаслиги керак. Марказлаштирилган резерв фондларига ажратмалар миқдори колхозлар билан келишилган ҳолда белгиланади. Социал-маданий тадбирлар ва моддий рағбатлантириш фондлари маблағларининг марказлаштирилган қисмларига келганда эса, улар корхоналар ва ташкилотлар меҳнат коллективларининг розилиги билан тузилади.

Агросаноат комитетининг маҳаллий органлари кредитни планлаштиришда ҳам катта ҳуқуқларга эгадирлар. РАПО узоқ муддатли кредит бериш планларини ишлаб чиқади. Кредит бериш лимитларини тақсимлашни ҳам РАПО амалга оширади. СССР Давлат банки муассасалари РАПО гарантиясига асосланиб, ссудалар бўйича тўловларни олти ойгача кечиктириши мумкин.

Хуллас, РАПОга берилган молиявий ҳуқуқлар агросаноат комплекси олдида турган маҳсулот етиштиришни тезроқ кўпайтириш, социал проблемаларни муваффақиятли ҳал этиш каби муҳим вазифаларни амалга ошириш учун бюджет маблағларидан мақсадга мувофиқ фойдаланишга имкон беради.

В. СЕМЁНОВ,
СССР молия министрининг ўринбосари.
(ТАСС).

ХЎЖАСИЗЛИК ҲАМ ЭВИ БИЛАН-ДА!

ОБЛАСТЬ АГРОСАНОАТ КОМИТЕТИ, «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ВА «ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА» ГАЗЕТАЛАРИНИНГ ҚЎШМА РЕИДИ

БУНДАН икки-уч йил илгари чорвачилик Бўка районидаги истиқболли тармоқлардан бири ҳисобланарди. Колхоз ва совхозларда чорвадорларнинг унумли ишлаб, яхши дам олишлари учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб бериш раҳбар ва мутахассисларнинг доимий диққат-эътиборларида бўларди. Ҳар йили қиш мавсумига ҳам яхши тайёргарлик кўрилиб, муваффақиятли ўтказиларди. Афтидан бундай ҳол ортиқча хотиржамлик кайфиятини юзага келтирди ва район хўжаликларидаги аввалги яхши анъаналар секин-аста йўқолиб борди. Пировард натижада лоқайдлик, ўзибўларчилик чорвачилик соҳасидаги барча кўрсаткичларнинг кескин пасайишига олиб келди. Илгари илғорлар сафида тилга олинадиган хўжаликлар ҳам ўз мавқеларини йўқота бошладилар.

Бу йилги чорва қишлови олдидан вужудга келган аҳвол, айниқса, ачинарлидир. Шунга қарамай, хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассислари бу аҳволдан тегишли хулоса чиқариб олмадилар. Бизнингча, улар яна илгариги мавқеларини ёдга олиб «бу йил ҳам бир амаллаб қишдан чиқиб оламиз» деган кайфиятга берилдилар. Бироқ шуни унутмаслик керакки, чорвачиликда ҳеч қандай омад ғойибдан келмайди. Бу тармоқда фақат ишнинг кўзини билиб қилинган меҳнатнинг ютуқ келтиради.

Райондаги бўшашувчанлик, бекорга мағрурланиш ёмон оқибатларга олиб келди. Ҳозир умуман район бўйича ҳамма турдаги мол ва паррандаларнинг сони камайиб кетган. Ўз-ўзидан маълумки бундай аҳволда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш ҳам камаяди, албатта. Колхоз ва совхозларда товуқлардан тухум олиш, молларни бир кеча-кундузда семиртириш ва насл олиш ҳам илгаригига нисбатан анча ёмон аҳволда.

Бунга райондаги ҳар бир хўжаликдан исталганча мисоллар келтириш мумкин. Фақат Ҳамза номли колхозлардан бошқа ҳамма хўжаликларда чорва молларининг маҳсулдорлиги камайиб бораяпти.

Фактларга мурожаат қилайлик. Район бўйича октябрь ойида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан гўшт етиштириш 16,4 процент, сут етиштириш 0,4 процент, тухум етиштириш 34,1 процент камайди. Айниқса, давлатга гўшт сотиш 58,8 процент, тухум сотиш 87,3 процент камайганлиги ачинарли ҳолдир.

Шуни таъкидлаш керакки, хўжаликларнинг раҳбарлари кейинги пайтларда чорвачиликка бўлган эътиборни кескин сусайтириб юбордилар. Ферма ва комплекслларда меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги, талабчанлик ва назоратнинг издан чиққанлиги оқибатида гўшт етиштириш плани Ильич номли колхозда 58 процент, «Кўкорол» совхозида 60 процент, «Ленинобод» ва Жамбул номли колхозларда 65 процент бажарилди, . холос.

Ильич номли колхозда сигирларнинг маҳсулдорлиги ҳам мутлақо талабга жавоб бермайди. Шунинг учун ҳам бу ерда сут етиштириш плани эндигина 64 процентга етди. «Ленинобод» ва Тимирязев номли колхозларда (88 процент), Фрунзе номли колхозда (88,8 процент) ҳам аҳвол жуда ёмон. Бу хўжаликларда бир ой давомида йиллик планнинг 5—6 проценти миқдорида сут тайёрланаётганлигини нима билан изоҳлаш мумкин? Кўринриб турибдики, бу колхозларнинг чорвадорлари сут етиштириш йиллик планини барбод қилмоқдалар.

«Партия ХХ съезди», Тимирязев номли, Жамбул номли, «Ленинобод», «Коммунизм» колхозларида, «Кремль» совхозида, айниқса, ташвишли аҳвол вужудга келган. Бу хўжаликларда ҳамма турдаги чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотиш ўтган йилдагига нисбатан камайиб кетди.

Райондаги бир қатор хўжаликларда подани урчитиб кўпайтиришга яхши эътибор берилмаётир. Жумладан, «Коммунизм» колхозида бу муҳим иш мутлақо ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Наҳотки, хўжалик раҳбарлари бунинг хунук оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тушунмасалар? Акс ҳолда ҳар юз бош сигир ва ғўнажиндан бор-йўғи 28 тадангина бузоқ олинганлигини қандай баҳолаш мумкин? Бу — область бўйича шу йилнинг энг ачинарли кўрсаткичидир. Тимирязев номли, К. Маркс номли, Мичурин номли колхозларда, «Гулистон» совхозида ҳам моллардан насл олиш ишлари кўнгилдагидек эмас.

Подани урчитиб кўпайтириш иши билан мунтазам шуғулланиш чорвачиликнинг истиқболини таъминлайдиган энг муҳим шартлардан биридир. Аммо афсуски, район хўжаликларида бу муҳим иш соҳасида кўплаб жиддий хатоларга йўл қўйилмоқда. Биз РАПО ва хўжаликларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассисларидан йўл қўйилаётган жиддий камчилик ва нуқсонларнинг сабабларини, уларни бартараф этиш учун нималар қилинмоқчи эканлигини билишни истардик.

Районда молларни мажбуран сўйиб юбориш ҳам одат тусига кириб боряпти. Чорва қишлови бошланганига эндигина 40 кун бўлганига қарамай, район хўжаликларида 99 бош қорамол ва 127 та қўй ана шу баҳона билан сўйиб юборилди. Бу зоотехника ва ветеринария ишларининг яхши эмаслигини кўрсатади. Колхоз ва совхозларда сигир ва бузоқлар жуда қўплаб касалликларга чалинмоқда. Масалан, «Ленинобод» колхозининг ўзида октябрь ойида 12 та бузоқ ва 1 та сигир сўйилди. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: ҳали қаҳратон қиш бошланмасдан туриб аҳвол шундай, ростмана қиш бошланса нима бўлади?

Бир сўз билан айтганда район хўжаликларида чорва қишловига яхши тайёргарлик кўрилмади. Бир қатор колхоз ва совхозларда чорвачилик бинолари ремонт қилинмади. Масалан «Октябрь 40 йиллиги» колхозидаги 2 та сигирхона қишловга мутлақо тайёрланмаган. Фрунзе номли, Мичурин номли, «Ленинобод» колхозларида, «Гулистон» ва «Кўкорол». совхозларида ҳам худди шундай аҳволни кузатиш мумкин. К. Маркс номли колхознинг 150 бош қорамоли эса ферманинг ҳовлисида қишлайди. Сабаби улар учун молхона йўқ.

Районда қишловга тайёргарлик кўришда сигирлар маҳсулдорлигини ошириш имконини берадиган яна бир муҳим омил унутиб қўйилди. Гап озуқа цехлари ҳақида бораяпти. Ҳозир мавжуд 15 та озуқа цехидан 10 таси, дағал хашаклари майдалайдиган 25 та машинадан 8 тасигина ишлаяпти, холос. Шу туфайли озуқанинг кўп қисми беҳуда исроф бўлиб, нишхўрдга чиқиб кетяпти. Озуқа цехи яхши ишламаётганлиги, озуқа аралашмаси умуман тайёрланмаётганлиги сабабли Тимирязев номли колхозда ҳар бош сигирдан бор йўғи 3,8 килограмм сут соғиб олиняпти. Мичурин номли колхоз фермасидаги сигирларнинг маҳсулдорлиги 5,6 килограммдан ошмаяпти.

Бўка районида чорвадорларнинг меҳнат шароитини яхшилаш, ферма ва комплексларни қишловга намунали тайёрлаш юзасидан қатор тадбирлар белгиланган эди. Афсуски, бу тадбирлар амалга оширилмай, қоғозда қолиб кетди.

Хўш, Бўка райони раҳбарлари ҳозирги юз берган ташвишли аҳволдан тўғри хулоса чиқариб олдиларми? Камчилик ва нуқсонларни тезда тугатиш учун зарур чораларни белгилаяптиларми? Биз улардан ана шу саволларга аниқ жавоб кутамиз.

Чорва қишлови «ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ» назоратида

Пишиқ чинни

Чинни пиёла қўлдан сирғалиб паркет. полга тушдию, лекин синмади: пиёланинг чиннисси шу қадар пишиқ бўлиб чиқди. Бу пишиқ чиннини Тошкент политехника институти полимерлар илмий тадқиқот лабораториясининг олимлари яратдилар.

Улар тузган янги рецептга мувофиқ полимер моддалар ўзига хос «маҳкамловчи» модда ролини бажаради. Чинни лойига қўшилган полимер модда материалнинг пластиклигини оширади. Чинни қуритилиб пиширилгач, унинг пишиқлиги учдан бир ҳисса ортади. Яна бир афзаллиги шуки, янги технология бўйича ҳосил қилинган чинни маҳсулотни юпқароқ қилиб ишлашга имкон беради ва бунинг натижасида хом ашё сарфи аввалгича қолгани ҳолда кўпроқ сифатли маҳсулот олинади.

(ЎзТАГ).

Ветеран ишчилар ҳақида ҳикоялар

«44»-нинг бекаси

ЛАВҲА

НАВОИ кўчасининг сўлим ҳиёбонларига оқшом чўка бошлаган. Ишдан қайтаётганлар оқими бўйлаб ўрта бўйли қорачадан келган бир аёл ҳам бораяпти. У бугунги кунидан хурсанд ҳолда ишдан қайтмоқда. Йўлида учраган телефон автоматларига нигоҳ ташлаб борарканман сим қоқаётган ёки телефон кабинасидан хурсанд бўлиб чиқиб келаётганларни кўриб қувонади. Бу аёл Тошкент шаҳар телефон тармоқлари бошқармасининг автомат телефон станциялари ускуналарини созловчи-электромонтёри — Меҳри Қурбоновадир. Меҳри опанинг одати шунақа — ўзгалар қувончини ўз қувончидек кўради.

Меҳри опа 30 йилдан бери шаҳримизнинг энг «кекса» станцияларидан ҳисобланган 44-АТСда хизмат қилиб келади. Уни бежиз «Станция бекаси» деб айтишмайди. Гарчи абонентлар билан бевосита мулоқотда бўлмаса ҳам у созлаётган автомат телефон ускуналари одамлар хизматида бўлиши, ўзи эса шу билан элга хизмат қилиб келаётганлигидан беҳад мамнун. Унинг бир корхонада шунча вақт узлуксиз ишлаб келаётганлигининг сабаби ҳам шунда.

...1958 йил. Алоқачилар тайёрловчи ҳунар билим юртида таълим олган Меҳри ўқув жараёнида автоматик телефон станциясининг фаолияти билан қисман бўлсада танишган бўлишига қарамай 44-АТС остонасига қадам қўяр экан, иккиланганди. Автозалдаги ускуналарнинг худди пулемёт каби тириллаб ишлаши, гоҳ у, гоҳ бу стативларда ёнаётган оқ, кўк, яшил ва қизил рангли митти лампочкалар, сигнализация таблосидаги станцияда қандай носозлик рўй бергани нинг кўрастувчи ёзувларнинг пайдо бўлиб туриши, залга ўрнатилган телефонларнинг тинмай жиринглаши-ю, оппоқ халатлар кийиб олган қизларнинг бу ғаройиб техника билан «муомала» қилишлари унинг тасаввурини чалкаштириб юборганди. Ёш кадрдаги ҳаяжон ва ҳадиксиратни кўрган станция инженери «бугунча сен телефонда жавоб бериб тура қол» деб унинг хаёлини бўлди. Ўша куни бутунлай нотаниш одамлар гоҳ анча вақтдан бери телефонлари ишламаётгани ҳақида қуйиниб гапирса, бошқалари «соқов» телефонлари қачон «гапириши»ни билмагунча ҳоли жонига қўйишмаганди. Кечга яқин, афтидан анча кекса киши бўлса керак «Э, отангга раҳмат, қизим, кам бўлма» деб миннатдорчилик билдирди. Шу сабаб бўлди-ю Меҳринг ҳаракатлари қатъийлашди. Буни кўрган инженер — «Баракалла синовдан яхши ўтдинг. Эртадан бошлаб созловчилар билан ишлайсан» деб елкасига қоқиб қўйди...

Созловчилар станциянинг барча приборларини план асосида жорий ремонт қиладилар. Ремонт жараёнида приборларнинг айрим деталь ва узеллари алмаштирилади, схемаларидаги нуқсонлар бартараф этилади. Бу жараён худди беморни синчиклаб текшириб кейин қунт билан даволовчи шифокорнинг ишини эслатади.

Ҳа, дарҳақиқат, яроқсиз ҳолга келиб қолган ускуналар созловчи қўлида «шифо» топиб яна ишга қайтади. Уларнинг аниқ ва бир маромда ишлаши, керакли номерни тераётганингизда «алдамаслиги» ёки бутунлай номер термаслиги, бир одам билан сўзлашиб турганингизда сизга «холис хизмат» қилиб яна бошқаларни ҳам улаб қўйиши ҳамда шунга ўхшаш нуқсонлардан ҳоли бўлиш-бўлмаслигингиз созловчи ишининг сифатига боғлиқ. Меҳри опа бу мураккаб касб сирларини унга эринмай ўргатган устозлари — инженерлар Александр Шаровский, Неля Серебрякова, Людмила Крюковаларнинг номларини ҳурмат билан тилга олади.

Бугунги кунда катта ҳаётий ва иш тажрибасига эга бўлган Меҳри опанинг ўзи ҳам ёшларнинг меҳрибон мураббийси. Ишлаб чиқариш практикаси жараёнида Меҳри опадан сабоқ олган кўплаб алоқачилари республикамизнинг турли бурчакларида, турли лавозимларда учратиш мумкин. Опанинг шогирдлари орасида ўз касбини ардоқлаб устозлари билан ёнма-ён меҳнат қилаётганлар ҳам оз эмас.

Яқинда ҳамкасблари Меҳри опанг икки қувончли воқеа билан муборакбод этишди: XI беш йиллик план-топшириқларини муваффақиятли уддалаб 15 дан ортиқ юқори малакали созловчилар тайёрлаган Коммунистик меҳнат зарбдори, «Шавкатли меҳнати учун» медали нишондори — Меҳри опа Ватанимизнинг яна бир мукофоти — Ҳурмат белгиси ордени билан тақдирланди.

— Иккинчи шодиёна эса Меҳри опани пенсия ёши билан муборакбод этишга бағишланди,— дейди 44-АТС инженери Шамол Тўйчиев. — Опа пенсия ёшига етган бўлишига қарамай ҳамон сафимизда. Ҳали қанчаданқанча кишиларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилади.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

• Ташвишли сигнал

ОЛОЙ БОЗОРИДА АРЗОНРОҚ-КУ...

«Текстильщик» совхозида товуқларни, ҳойнаҳой, қора икра билан боқишса керак. Бўлмаса, парранда гўштининг бир килограмми таннархи нақ 21 сўму, 19 тийин бўлармиди? Ватанимиздаги паррандачилик амалиётида сира бунақаси бўлмаган эди. Бу хўжаликда битта тухум 38 тийинга тушмоқда, планга кўра эса ҳар бир тухум 8 тийиндан қимматга тушмаслиги керак эди.

Неча йиллардан бери Тошкент тўқимачилик комбинатига қарашли бу ёрдамчи хўжаликнинг ҳоли танг. Хўжаликка бош бўлганларнинг ўқувсизлигига ҳайрон қоласан, киши. Тўқимачилар балки бехабардирлар, билиб қўйганлари маъқул: улар қозонига тушаётган ҳар бир килограмм мол гўшти 5 сўму 68 тийин, ҳар килограмм чўчқа гўшти 8 сўм туради. Ошхонада эса тўқувчилар ва йигирувчилар «булбулнинг сутини» ичишаяпти, десак ишонаверинг. Чунки биронбир уй бекаси йўқки, бир литр сутни кўзини чирт юмиб; 1 сўму, 26 тийинга сотиб олса?! Комбинатдагилар эса тишларини тишларига қўйиб, «сукут—аломати ризо» дегандек, ана шу «антиқа» сутни ичишяпти. Нозу-неъматларни Олой бозоридан сотиб олиш анча арзонга тушган бўлур эди.

Ўтган йили бу совхоз 240 минг сўм зиён кўрган эди, шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида эса 200 минг сўм зарар кўриб қўйди.

Тошкент шаҳар халқ контроли комитети хўжаликдаги кўлгинда нуқсонларни очиб ташлади. Танг қоладиган ери шундаки, хўжаликнинг «қақшатиб» қўйилгани учун кимга жазо бериш лозимлигини ҳозир ҳеч ким аниқ айта олмайди. Шаҳар халқ контроли комитетининг справкасида аниқ ёзиб қўйилибди: моддий жиҳатдан жавобгар бўлган кишилар тез-тез ўзгариб турганлиги учун у ёки бу ходимнинг айбдорлик даражасини аниқлаш қийин бўлиб қолган.

Аммо ҳар бир иллат жазосиз қолмаслиги керак. Балки лаёқатсиз раҳбарларни тайинлаган, уларга ҳамду—сано айтиб, тавсиялар берган кишиларни партиявий йўл билан қаттиқ тергаб қўйиш лозим бўлар. Гап раҳбар кадрларнинг қўнимсизлиги тўғрисида бораётганлиги учун ҳам одамга кор қилиб, ўйлатиб қўяди. Бу борада совхоз коллективи айбдор эмас, юқоридагилар айбдор. Ана ўшаларни жазолаш керак.

Т. ДАҒЖИ,
ЎзТАГ мухбири.

Чет элларда

• МАМЛАКАТЛАР • ОДАМЛАР • ВОҚЕАЛАР •

ВИЗИТГА БАҒИШЛАНГАН ТЕЛЕФИЛЬМ

ДЕҲЛИ, 25 ноябрь. ТАСС мухбири Сергей Кармалито хабар қилади: КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг 25 ноябрь куни Ҳиндистонга қила бошлайдиган расмий дўстлик визити муносабати билан Умумҳиндистон телевидениеси орқали телевизион фильм кўрсатилди. Миллион-миллион ҳиндилар Совет раҳбарининг ҳаёти ва фаолияти билан яқиндан танишишга муваффақ бўлдилар. Фильм муаллифлари М. С. Горбачевнинг тинчликни мустаҳкамлаш, қурол-яроғларни чеклаш ва қуролсизланиш, космос ҳарбийлаштирилишининг олдини олиш, халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни ривожлантириш ишидаги куч-ғайратлари жуда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидладилар.

Шу фильмдан кейин намойиш қилинган «Ҳиндистон — Совет ҳамкорлиги» кўрсатуви ҳам олий мартабали Совет иттифоқилик меҳмоннинг визитига бағишланди. Унда Ҳиндистоннинг таниқли давлат, сиёсат ва жамоат арбоблари, олимлар, маданият ходимлари қатнашдилар. Давлат ташқи ишлар министри Натвар Сингх бўлғуси Ҳиндистон—Совет музокаралари икки томонлама ҳамкорликнинг жуда кўп масалаларини ўз ичига олади ва «Рейкьявикдаги Совет — Америка учрашувидан кейинги энг муҳим халқаро проблемаларни чуқур муҳокама қилиш»га ҳам имкон беради, деб таъкидлади. Натвар Сингх «СССР билан Ҳиндистоннинг тинчлик, қуролсизланиш ва тараққиёт проблемалари хусусидаги қарашлари муштараклиги»нинг катта аҳамиятини ҳам алоҳида таъкидлади. Министрлар кабинетининг аъзоси П. В. Нарасимха Рао бу визит ҳинд ва совет халқлари ўртасидаги ҳамжиҳатлик ҳамда дўстликни янада ривожлантиришга хизмат қилади, деб ишонч билдирди. Икки томонлама маданий алоқалар Ҳиндистон—Совет алоқаларини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди, келгуси йилда ўтказиш режалаштирилган Ҳиндистоннинг СССРдаги ва Совет Иттифоқининг Ҳиндистондаги фестивалларга бу алоқаларни кенгайтиришга кўмаклашади, деб ишонди у.



● Бхилаи металлургия заводини бугунги кунда Ҳиндистонда ҳамма билади. Қора металлургия байроқдори бўлиб қолган бу азамат корхона Ҳиндистон — Совет дўстлигининг амалдаги рамзи сифатида мағрур қад ростлаб турибди. Ҳозирги вақтда ана шу дўстлик корхонасида реконструкция ишлари қизғин олиб борилмоқда.

Суратда: магнитогорсклик катта инженер А. Семёнов (чапдан ўнгга) ўзининг ҳиндистонлик дўсти С. Бхаттачарья билан заводнинг мартен цехида.

С. Кармалито фотоси. (ТАСС).

ҚУРОЛ-ЯРОҒЛАР ЎҒИРЛАБ КЕТИЛМОҚДА

ВАШИНГТОН, АҚШ конгресси қуролли кучлар иши билан шуғулланувчи сенат комитетининг махсус группаси армия омборларидан қурол ва ўқ-дори жуда кўп ўғирлаб кетилаётганлиги масаласини кўриб чиқа бошлади. Олинган маълумотларга кўра, ҳар йили бозорга ўнлаб тонна портловчи модда ва граната яширинча келтирилади ва уларни гангстер бандалар ҳамда экстремист ташкилотларнинг одамлари ҳарид қилмоқда. Бу воситалардан кейинчалик мамлакат ичкарисида террорчиликлар ва босқинчиликлар қилишда фойдаланилади. Группанинг ҳужжатларига кўра, Пентагон бу ўғирликларни тўхтатиш учун чора кўрмаган ва шу билан мамлакатда жиноятчилик авжига чиқишига кўмак берган.

(ТАСС).

МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

СОВЕТ—ҲИНД КИТОБЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

24 ноябрь куни Алишер Навоий номли Ўзбекистон ССР давлат кутубхонасида «СССР — Ҳиндистон» китоблари кўргазмаси очилди. Стендларга совет авторларининг Ҳиндистон ҳақида ёзган китоблари билан бирга Деҳли оммавий кутубхонасидан, Бомбей университети ва Калькутта миллий кутубхонасидан юборилган ижтимоий-сиёсий нашрлар ва бадиий адабиётлар ҳам қўйилган.

Ана шу янги китоблар орасида Индира Гандининг «СССР билан сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар ҳақидаги танланган нутқлари» ҳам бор. Бу нутқларда яхши ниятнинг ёрқин намунаси, тинчлик ва халқларимиз ўртасида дўстликка эҳтиросли даъват ифодаланган.

Тошкент билан Деҳлининг асосий кутубхоналари ўртасида мустаҳкам алоқалар ўрнатилган. Бундай алоқалар китобларни мунтазам равишда алмашиб туриш, дўстона амалий ёзишмалар олиб бориш, биргаликда китобхонларнинг тематик конференцияларини ва бошқа тадбирларни ўтказишда ўз ифодасини топмоқда.

(ЎзТАГ мухбири).

ФОРТЕПЬЯНО КОНЦЕРТИ

ЁШ композитор Дмитрий Янов-Яновский М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясида ўқиб юрган чоғидаёқ ўз асарлари билан танилиб қолган эди. Ўшанда унинг фортепьяно ва торли оркестр учун ёзган музика асари кўпчилик эътиборини ўзига тортди.

Машҳур жозибадор асар ёш композиторларнинг Москвада ўтказилган V Бутуниттифоқ конкурси программасига киритилди. У энг яхши ижод намуналаридан бири сифатида диплом билан ҳам тақдирланди.

Ҳозир ёш санъаткор камер-чолғу, вокал жанрларида ҳам баракали ижод қилмоқда. Унинг янги ёзган фортепьяно учун асари республикамиз ёш композиторларининг концертида ижро этилди. Бу программа Ўзбекистон ССР Композиторлар союзининг VII пленуми муносабати билан муваффақиятли намойиш қилинди.

С. ОДИЛОВА.

«УЙЛАНИШ» ИНСТИТУТ САҲНАСИДА

А. Н. Островский номли Тошкент театр ва рассомлик санъати институтининг ўқув театри репертуари тобора бойиб бормоқда. Яқинда бу ерда Н. В. Гоголнинг «Уйланиш» комедияси ҳам саҳналаштирилди.

Институтнинг драма ва кино актёрлари факультети 4-курс студентлари диплом иши сифатида қўйган бу спектаклини саҳна маҳоратидан сабоқ берувчи педагог А. Сайфутдинов, ассистент В. Умаров, саҳна нутқидан дарс ўқувчи педагог Р. Усмоновалар саҳналаштиришган.

Мазкур саҳна асаридаги бош ролларни Д. Турдалиев, Т. Саидов, Д. Отахонова, С. Қодирова, М. Қодиров каби студентлар ижро этишмоқда. Спектакль учун саҳна безаклари эскизини шу институт талабаси Н. Жўраев чизган.

ХАЛҚ ИЖОДИЁТИНИНГ II БУТУНИТТИФОҚ ФЕСТИВАЛИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ИККИНЧИ БОСҚИЧ БОШЛАНДИ

Маълумки, Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган халқ ижодиёти II Бутуниттифоқ фестивали доирасида областимизда бир қанча йирик тадбирлар ўтказилди. Хусусан, «Ер ва одамлар», «Биз Ленин партиясини шарафлаймиз!», «Тинчлик, санъат, болалар», «Оҳангарон водийси оҳанглари» каби санъат байрамлари шулар жумласидандир. «Халқ талантлари дурдоналари» деб аталган навбатдаги фольклор санъати фестивали ҳам мазкур анъаналарни давом эттириб, областимизда II Бутуниттифоқ фестивали донрасида ўтказилаётган тадбирларнинг иккинчи босқичини бошлаб берди. Мазкур фестиваль ўтган шанба куни Ғазалкентдаги маданият саройида тантанали равишда очилди.

Шу куни Бўстонлиқ район марказидаги маданият саройи ҳар қачондагидан кўра гавжумроқ бўлди. Бу ерга йиғилганлар сарой фойесида ташкил қилинган турли виставкалар билан танишдилар. Ўн йилдан бери фаолият кўрсатиб келаётган ва ҳозирги кунда мавжуд 9 та тўгаракда 459 нафар ўқувчини қамраб турган Ғазалкент ёшт-техниклар станцияси ижодкорлари ясаган турли макетлар кўпчиликка манзур бўлди. Шаҳар пионерлар уйининг «Моҳир қўллар» тўгараги аъзолари тиккан турли либослар олдидан ҳам одам аримайди.

Ака-ука Хановларни бўстонликликлар яхши танишади. Гамил Ханов маданият саройида фотограф бўлиб ишлайди. Шамил эса шаҳар ёнғиндан муҳофаза қилиш бўлимида ўт ўчирувчи. Бу акаукалар бўш вақтларида ижодий иш билан машғул бўлишни севишади. Ташкил қилинган кўргазмаларнинг бирида Гамилнинг фотосуратлари намойиш этилаётир. Иккинчисида эса Шамилнинг ҳаваскор ҳайкалтарош сифатида ишлаган асарларидан намуналар ўрин олган. Унинг «Автопортрет», «Ғалаба жангчиси», «Уруш қурбонлари хотирасига», «Солдат жасорати мангу яшайди» каби асарлари томошабинларга ғоят манзур бўлди.

Тантанали маросимга йиғилганларда, айниқса, ҳаваскор рассом И. И. Набоков мўйқаламига мансуб асарлар катта таассурот қолдирди. Ҳарбий мутахассис сифатида Улуғ Ватан урушининг дастлабки кунидан то шонли Ғалабагача жангларда қатнашган бу одам ўз асарларида кўпроқ ветеран жангчилар образини акс эттиришга интилади. 160 та картина автори бўлмиш 73 ёшли бу ҳаваскор-ижодкор фақат рангтасвир билангина эмас, балки адабий ижод билан ҳам шуғулланади. У бир нечта шеърий тўпламлар автори ҳамдир. Ҳозирги кунларда у Улуғ Ватан уруши ветеранлари Чорвоқ Советининг «Жасорат» қўлёзма журнали тўпловчиси, редактори ва рассоми сифатида таниилган. Бир киши учун бу кўплик қилмайдими?

— Йўқ, — дейди биз билан суҳбатда Иван Иванович. — Ҳамма гап вақт ва имкониятларни тўғри тақсимлай билишда. Агар қилаётган ишинг ўзингга маъқул бўлса, ундан одамлар маънавий озуқа олаётганларини ҳис қилсанг иш унуми янада ортади...

Йиғилганлар маданият саройининг томоша залига таклиф қилиндилар. Бу ерда область Совети ижроия комитети маданият бошқармаси бошлиғи В. А. Емцов кириш сўзи билан фольклор санъати фестивалини очди. Шундан сўнг катта концерт программаси намойиш этилди.

Мазкур концерт программасида Бўстонлиқ районн хаваскор коллективларининг В. Киселев раҳбарлигидаги қўшма хори, шу районнинг «Гулёр», чирчиқлик «Хайтарма» ва «Русская мелодия», Янгийўл районининг «Орзу», Паркент районининг «Лапар» ва «Паркент гуллари», Олмалиқнинг «Ритм» каби фольклор, қўшиқ ва рақс, хореографик ансамбллари иштирок этдилар. Улар ижросидаги куй ва қўшиқлар, рақслар йиғилганларга ғоят манзур бўлди. Айниқса, чирчиқлик З. Полькикова, ангренлик В. Дядишева ва З. Чернишова, янгийўллик Ф. Байрамова, ғазалкентлик У. Бахриддинов ижро этган қўшиқлар, турли ансамбллар репертуаридаги рақсларнинг ранг-баранглиги диққатга сазовор. Бу жиҳатдан Олмалиқ шаҳридаги металлургларнинг маданият саройи қошида ташкил қилинган (бадиий раҳбари Е. Шимко) «Ритм» ансамблининг чиқишлари алоҳида ажралиб турди. Ансамбль ижросидаги грекча «Сиртаки», «Куба рақси» ва «Лазги» рақслари томошабинларда катта таассурот қолдирди. Концерт сўнгида мазкур тадбир иштирокчиларининг ҳаммаси саҳнага чиқиб, фестивалга оқ йўл тиладилар.

Фестиваль иштирокчилари ҳафта давомида областимизнинг барча шаҳар ва районларида бўлиб, фольклор санъати шинавандаларини ўз репертуарлари билан хушнуд этадилар. Қатор маданият саройлари ва уйларида, клубларда «Дўстлик гулчамбари», «Ассалом, замин», «Мусиқа, қўшиқ ва табассум», «Қишлоқ тароналари», «Тинчлик ва меҳнат мадҳияси», «Сиз севган қўшиқлар» деб номланган концерт программалари намойиш қилинади.

У. АБДУШОҲИДОВ.

Суратларда: «Русская мелодия» ҳамда «Паркент гуллари» ансамбллари саҳнада.

В. Портнов фотолари.

ҚУРОЛДОШЛАРНИ ИЗЛАБ

ЁН ДАФТАРДАГИ АДРЕСЛАР

Бекобод район пионерлар уйи қошида «Шон-шуҳрат музейи» ташкил этилган. Райондаги «Қизил изтопарлар» клубининг аъзолари ҳам шу ерда қидирув ишларини олиб бормоқдалар. Музейдаги экспонатлар орасида «2-Далварзин» совхозининг Назарвой қишлоғида яшаган марҳум Ҳотамбей Деҳқоновнинг дала сумкаси, ҳарбий ҳужжатлари ҳамда ён дафтарчаси сақланмоқда.

Ён дафтарчада фарғоналик Ажимат Болтабоев, Тошкент областидан Болтаҳўжа Турсунхўжаев, бухоролик Раҳмат Ражабов, тошкентлик Ниғмат Турсунов, Иқбол Маҳмудхўжаева, Ёрқин Рознев, Ҳамида Дадабоеваларнинг адреслари қайд этилган.

Биз юқорида номлари келтирилган ўртоқларга ҳамда Ҳотамбей Деҳқоновни таниган кишиларга мурожаат этамиз. Бу қуролдош дўстингиз ҳақида билган барча маълумотларингизни Зафар посёлкасидаги «Қизил изтопарлар» клубига ёзиб юборинг.

Салом билан клуб раҳбари

М. НАЗАРОВА.

ОКТЯБРЬ КУЙЧИСИ

«ОЙБЕК — Октябрь куйчиси» кўчма кўргазмасида инқилоб мавзуи акс эттирилган. Ёзувчининг уй-музейи ташкил этган бу кўргазма экспозицияси биринчи бор авиасозларнинг Тошкентдаги маданият ва техника саройида намойиш қилинди.

Кўргазманинг олти бўлимида ўзбек совет адабиёти классигининг инқилоб мавзуига оид юздан кўпроқ материали кўрсатилмоқда. Булар орасида фотосуратлар, ҳужжатлар, китоблар, плакатлар ва суратлар бор. Кўргазма ёзувчи портрети билан очилади. Бу портретни рассом Н. Нам эскизлари бўйича Тошкентдаги бадиий буюмлар фабрикасининг чеварлари яратишган. Ёзувчининг синфий кураш, Туркистондаги инқилоб воқеалари акс этган «Қутлуғ қон» ва «Болалик» романларининг турли тилларда чиққан намуналари кўргазмадан асосий жой олган.

Экспозиция очилган кунда адабий кеча бўлди. Унда адабиётшунослар, Ойбек ижодининг тадқиқотчилари, шоир-таржимонлар сўзга чиқдилар. Кинематографиячилардан СССР халқ артисти Шуҳрат Аббосов ва ёш режиссер Фирдавс Зайнудинов йиғилганларга Ойбекнинг «Болалик» повести асосида суратга олинган «Орзулар оғушида» фильми қандай яратилгани ҳақида сўзлаб бердилар. Ана шу картинадан парчалар кўрсатилди.

Кўчма кўргазма Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган. Кўргазма республиканинг саноат корхоналарида, колхоз ва совхозларида, ўқув юртларида намойиш этилади.

Э. ТУХВАТУЛЛИНА, ЎЗТАГ мухбири.

АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

БИРЙЎЛА ОЛТИ ФАРЗАНДЛИК БЎЛДИ

ЛОНДОН. Англия пойтахтида яшайдиган 32 ёшли Сюзан Коулман кеча олти фарзанд — уч ўғилу уч қиз туғди. Врачларнинг айтишларича чақалоқларнинг аҳволи жуда яхши ва уларнинг ҳаммаси омон қолишига умид бор. Пресс ассошэйшн агентлигининг ёзишича, Буюк Британиянинг бутун тарихида кечагисини ҳам қўшиб ҳисоблаганда тўрт марта олти эгизак туғилганлиги қайд этилган.

(ТАСС).

АЙИҚ ҚАЙНОҚ СУВ БИЛАН ДАФ ЭТИЛДИ

БАМ Муякан станциясидан сал нарида жойлашган геологлар чой қўйиб, қали дамлагани улгуришмаган ҳам эдики, жарликдан бирдан айиқ боласи югуриб чиқиб қолди. Унинг кетидан эса даҳшатли онаси келарди.

Мода айиқ, одамларни кўргач шу заҳоти уларга ташланди. Бир уриб геологлардан бирини йиқитди... Ишчи Виталий Казанцев бўлмаса даҳшатли воқеа юз бериши мумкин эди. Йигит шунда эсанкираб қолмади — суви қайнаб турган қозончани кўтариб қутирган ҳайвоннинг устига ағдарди. Шундан кейин айиқ ўкириб чекинди ва жўнаб қолди.

А. СОТНИКОВ, ТАСС мухбири. Улан—Удэ.

Муз давридан шундай

Дания ва Исландиялик олимлар Гренландиянинг қалинлиги икки километр музлигини бурғилашганда музнинг шу ердаги ҳарорати устки қисмидагига нисбатан 5 градус паст эканлигини аниқладилар. Бу совуқ сўнгги муз даври охиридан бошлаб сақланиб келинаётган экан.

Спорт

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

МЕРГАНЛАРИМИЗ БИРИНЧИ

Олмаотада мерганлик бўйича СССР кубогининг зона турнири ниҳоясига етди. Мусобақада республикамиз терма командаси муваффақиятли қатнашди. Айниқса, тошкентлик И. Шахова, Е. Байко, Э. Осмонов, В. Ерохинлар пневматик милтиқдан отишда программанинг тўртта турида ғолиблик қилиб, командадошларига ибрат бўлдилар.

Умумкоманда ҳисобида республикамиз вакиллари биринчи бўлишди.

ЧЕМПИОНАТ ЯКУНЛАНДИ

Тошкентда Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз флоти спортчиларининг бокс бўйича чемпионат ўйинлари якунланди. Турнирда Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий округи терма командаси иккинчи ўринни эгаллади. Т. Исроилов биринчи ўринни, С. Василенко иккинчи, Х. Матчонов, А. Григорян, С. Таможенко, С. Мозгуновлар учинчи ўринларни эгаллашди.

Москва Ҳарбий округи командаси чемпионат ғолиби бўлди.

СТАРТДА ҚИШЛОҚ СПОРТЧИЛАРИ

Самарқандда ўтказилган кураш бўйича СССР шахсий чемпионатида 200 га яқин спортчилар куч синашдилар. Шуниси диққатга сазоворки, уларнинг аксарият кўпчилиги қишлоқ спортчилари эди. Ҳар уч спортчининг бири спорт мастери эканлиги эса ғолиблик учун кураш қанчалик қизғин борганлигидан далолат беради. Ана шу оммавий беллашувларда тошкентлик полвон М. Махмутов кумуш медали олди.

БИЛДИРИШ

«Тошкент ҳақиқати» жамоатчи Совети навбатдаги қабулни бугун — 26 ноябрь куни соат 17.00 дан бошлаб ўтказади. Бу сафар қабулни область ижроия комитети юридик бўлимининг бошлиғи Бурхон Усмонов бошқаради.

Шикоят, ариза ва илтимосномалари бўлган ўртоқлар ана шу қабулхонага келишлари ва ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан мурожаат қилишлари мумкин.

Жамоатчи Совет қабулхонаси Ленинград кўчаси, 32-уй, 7. қават, 742-хонага жойлашган. Телефонлар: 33-40-48, 32-53-54.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖАМОАТЧИ СОВЕТ ҚАБУЛХОНАСИ

* * *

«Тошкент ҳақиқати» редакцияси ҳузуридаги ишчи-қишлоқ мухбирлари университетида янги группа машғулоти 27 ноябрь куни соат 18 да редакция биносида бошланади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

ЖУМБОҚЛИ ЖАВОБ

БИР МАВЗУДА ИККИНЧИ МАРТА

Газетанинг шу йил 28 август сонида «Спорт залларига эътибор шуми?» сарлавҳали рейд мақоласи эълон қилинган эди. Унда пойтахтимиздаги кўпгина мактабларнинг спорт заллари янги ўқув йилига тайёр эмаслиги, керакли спорт анжомлари йўқлиги таниқ қилинганди. Жумладан, Ҳамза районидаги 156-ўрта мактаб спорт залини Акмал Икромов районига қарашли 3-болалар-ўсмирлар спорт мактаби эгаллаб олганлиги, бунинг оқибатида ўқувчилар физкультура ва спорт билан ҳовлида шуғулланаётганлиги таниқид қилинган эди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари В. А. Аловутдинова рейд материали юзасидан редакцияга жавоб йўллаб, кўрсатилган барча камчиликлар бартараф этилганлиги, 156-мактаб спорт залида икки сменада машғулотлар ўтказилиши планлаштирилганлигини маълум қилди. Спорт зали биринчи сменада мактаб ўқувчилари, иккинчи сменада эса 3-болалар-ўсмирлар спорт мактаби ихтиёрида бўлиши таъкидланди.

Биз яқинда яна бир бор мактаб спорт ҳаёти билан танишишга қарор қилдик. Афсуски, аҳвол жавоб хатида кўрсатилганидан тамомила бошқача бўлиб чиқди. Мактаб зали ҳамон қулф, спорт мактаби тренерлари залнинг калитини ҳанузгача ўз киссаларида олиб юришибди.

—3-болалар-ўсмирлар спорт мактаби раҳбарлари, — деди 156-мактаб директори Т. Муталов. — Ўқувчиларимизни ҳамон залга йўлатишмайди. Қилган барча илтимосларимиз, ялиниб-ёлборишларимиз инобатга олинмаяпти. Уларнинг ўз билармонлиги, қайсарлиги оқибатида ўқувчилар билан физкультура ва спорт машғулотлари ўтказишда катта қийинчиликка дуч келяпмиз. Ҳозирги ёғинсочинли кунларда ҳам физкультура дарсларини ҳовлида, баъзан коридорда ўтишга мажбур бўлмоқдамиз. Бу эса ўз навбатида таълим-тарбия жараёнига путур етказмоқда.

Мактаб ислоҳоти юзасидан бутун мамлакатимизда кенг кўламдаги ишлар амалга оширилаётган бугунги кунда шаҳар Совети ижроия комитетидаги ўртоқларнинг масалага юзаки ёндошишлари кишини таажжублантиради. Акс ҳолда ўртоқ В. А. Аловутдинова имзоси билан келган хатни қандай тушуниш керак: редакцияни чалғитишми ёки мактаб масаласига эътиборсизликми?

А. ҲАКИМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

НОН—ҲАММА НАРСАДАН АЗИЗ



Дастурхондаги нон оиланинг бахтидир.Бу бугунги кунда айтилган гап эмас. Минглаб йиллар ўтар, тансиқ ва хушбўй неъмат миллионлаб кишилар ҳаётида азизлигича сақланиб қолади. Нон инсоннинг бахт-саодати бўлган фаровонлик, тинчлик, дўстлик каби олий фазилатлари билан мазмун жиҳатдан чамбарчас боғлиқдир.

Қадим-қадим замонлардан буён меҳмонлар олдига янги узилган нон қўйиш яхши одат бўлиб келмоқда.

Энг машаққатли дамларда ҳам одамлар бир бурда нонни ҳамжиҳатликда баҳам кўришган. Нонни эъзозлаб ҳикматли сўзлар тўқишган.

Ноз-неъматлар ичида нон энг севимли ва ардоқли ҳисобланади. Биз нонуштада ҳам, тушликда ҳам, кечки овқатда ҳам, совуқда ва иссиқда ҳам нон тановул қилишга одатланганмиз.

Нонни увол қилмаслик—уни истеъмол қилишни чеклаш деган тушунча эмас.

Оилангизга қанча нон керак бўлса, шунчасини сотиб олишга одатланиш керак. Агар ҳар бир оила бир кунда 100 граммдан нон ташлаб юборадиган бўлса бу бир йилда 36,5 килограмм нон увол бўлди демакдир. Мамлакат миқёсида ҳисоблаб кўрадиган бўлсак, бунинг учун қўшимча 1,3 миллион гектар ерни ҳайдаб буғдой сепиш керак бўлади. Шунча майдондаги ҳосилни гектар бошига 16 центнердан ўриб олиш учун 2078 минг тонна донни янчиш, уни ҳар бирининг сиғими 20 минг тонна бўлган қўшимча 104 та элеваторга олиб бориш керак бўлади. Шунча донни ун қилиш учун 57 та янги тегирмон қуриш, ҳосил бўлган унга тахминан 30 минг тонна ош тузи, 18 минг тонна хамиртуруш, сув, шакар, сут ва бошқа масаллиқлар қўшиш керак бўлади.

Ҳар бир хонадон ташлаб юборган бир бурда нон давлат миқёсида қанчалик қимматга тушишини англаган бўлсангиз керак.

Ҳар бир хонадонда суви қочиб қотиб қолган нонни ташлаб юборишга шошилманг.

Қотган нонни қайтадан янгидек қилса бўлади. Бунинг учун нонга озгина сув пуркайсиз, устига сочиқ ёпиб, қопқоқли кострюлкага соласиз ва 10 минут қизиган духовкада сақлайсиз.

Нонни эъзозлаш ва увол қилмаслик ҳар бир кишининг муқаддас бурчи бўлмоғи керак. Дон сепиб бошоқ янчган, уни ун қилган ва нон қилиб тандирдан чиқарган захматкашларнинг меҳнатини қадрлаш ҳаммамизнинг бурчимиздир.

ОЛАМ ГЎЗАЛ КЎРИНАДИ

СИЗ КРЕСЛОДА ҚУЛАЙ ЎТИРИБ ОЛАМ ГЎЗАЛЛИКЛАРИ БИЛАН ЯҚИНДАН ТАНИШИШИНГИЗ МУМКИН.

«ТЕМП—738»

рангли телевизори экранида ўрмонлар ва қўллар, тоғ чўққилари, нотаниш шаҳарлар ва номаълум ўлкалар ўзининг яхлит гўзаллиги билан кўз олдингизда намоён бўлади.



Телевизор конструкциясида такомиллашган рангли кинескоп, блоклар ва мосламалар қўлланилган.

Бу телевизорга магнитофон, видеомагнитофон, қулоқ-қа тутиб эшитиладиган телефон ва дециметрли диапазон каналлар селекторини улаш кўзда тутилган.

Телевизор баҳоси — 720 сўм.

«УЗКУЛЬТТОРГ» ТОШКЕНТ ОБЛАСТЛАРАРО БАЗАСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ /«Ташкентская правда»/

ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА КОММУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО СОВЕТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ Л-ЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; партия турмуши — 325778; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325556; қишлоқ хўжалиги — 325647; пропаганда — 337010, 325749; совет қурилиши — 325733; маданият — 325767; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325645; тунги навбатчи — 325553; эълонлар бўлими — 325727.

Редактор Н. НАСИМОВ.

Р. 09142. Б. 1764. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12